

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
Наманган Давлат университети
Ижтимоий-иқтисодий факультети
Ҳуқуқшунослик кафедраси

қўлёзма ҳуқуқида

Насриддинов Мухриддин Жамолиддин ўғли

Мавзу: Халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия нормалар

5380100 - юриспруденция

Бакалавр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
битирув малакавий иши**

Илмий раҳбар: ўқитувчи Норбеков Воҳиджон Холбекович

Наманган – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш	3-7
1-боб. Халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия норма тушунчаси ва аҳамияти.....	8-36
1.1. Мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда халқаро хусусий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	8-17
1.2. Коллизия нормалар тушунчаси ва аҳамияти.....	17-36
2-боб. Халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда моддий-ҳуқуқий нормаларнинг тутган ўрни ва аҳамияти.....	37-44
3-боб. Коллизия нормаларни изоҳлаш, шарҳлаш ва тадбиқ қилиш.....	45-57
Хулоса	58-60
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61-66

Аннотация

Ушбу битирув малакавий ишида халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия нормалар ёритиб берилган. Тадқиқотда халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия нормалар, халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда моддий-ҳуқуқий нормаларнинг тутган ўрни ва аҳамияти ва коллизия нормаларни изоҳлаш, шарҳлаш ва тадбиқ қилиш ўз ифодасини топган.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти. Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикасининг бош мақсади - озод ва обод ватан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлатдан фуқаролик жамияти сари ўтишдир. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун республикамизда мустаҳкам белгиланган ҳуқуқий пойдевор асосида демократик ва ҳуқуқий давлатдан адолатли фуқаролик жамиятига ўтишнинг узоқ муддатли, изчил концепцияси ишлаб чиқилди. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. Бу мустақил, демократик, ҳуқуқий давлат. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.»¹ Юқорилардагидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бугунги кунда давлатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, туб ўзгаришлар интеллектуал мулкни ривожлантириш ва мавқеини оширишни тақозо этади.

Ҳуқуқий соҳада амалга оширилган ислохотларнинг энг муҳим жиҳати бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бевосита тартибга соладиган янги қонунчилик базасини вужудга келтириш ва уни доимий равишда шакллантириб бориш билан белгиланди. Қабул қилинган янги қонунлар асосида иқтисодиётимизда вужудга келган янгидан-янги муносабатлар тартибга солина бошлади. Шу маънода мамлакатимизда ҳуқуқий тартибга солишнинг изчил механизми яратилди. Бу эса халқимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим ўринни эгаллайди.

Шу сабабли президентимиз И.А.Каримов томонидан “Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият -

¹ «Адолат - қонун устиворлигида». И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясиги маърузаси, Халқ сўзи., 2001 йил 30 август. Манба: Norma.uz.

демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир”¹ – деб алоҳида эътироф этилган.

Ўтган XX асрдан бошланган ва доимий, узлуксиз тус олган илмий-техника инқилоби нафақат инсон турмуши, балки у киришадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Бу борада президентимиз И.А.Каримов: «Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга доир ислоҳотларни фаол давом эттириш, шу асосда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият ва бойлик сифатида жамиятимиз ҳаётида асосий ўринга қўйиш доимий эътибор марказимизда бўлади.

Биз бундан буён ҳам «Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ» деган олижаноб шиорни амалда руёбга чиқариш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга соламиз»²- деб таъкидлаб ўтганлар.

Сўнгги йилларда, Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши билан давлатлар билан бир қаторда, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахслар иштирокидаги халқаро хусусий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари алоҳида долзарблик касб этмоқда. Бизнинг олиб бораётган ҳуқуқий сиёсатимиз ўз миллий давлатчилигимизни, иқтисодиётимизни ва маънавиятимизни юксак чўққиларга олиб боришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида тан олинши, халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқ фанлари устида илмий изланишлар олиб бориш учун имконият яратди ва бу фанларни ўрганиш учун зарурият оша бошлади.

Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий

¹ Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. 2010 йил 12 ноябр. Манба: “NORMA” Ахборот ҳуқуқий тизими. <http://www.norma.uz>.

² Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси VI қурултойидаги маъруза. 2007 йил 6 ноябрь. –Т.: Ўзбекистон, 2007. –Б. 33

хаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантirmасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз¹.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, халқаро хусусий муносабатларнинг мураккаблашуви жадал ривожланмоқда. Турли давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахслари ва давлатларнинг айниқса, минтақавий иқтисодий интеграциялашув жараёнини тартибга солинишига оид моддий-ҳуқуқий нормалари орасида катта хилма-хилликлар бор. Ушбу ҳолатлар албатта, хорижий элемент иштирокидаги хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг турли иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солинишда амалда коллизияларни, яъни қарама-қаршиликлар, тўқнашувларни вужудга келтиради. Бу эса, давлатларнинг интеграциялашуви жараёнида ҳуқуқий тартибга солиниши масалаларини хал этишни соддалаштириш, муаммолар ечимини топиш ва унификация қилиши мавзумизнинг долзарблигини исботлайди.

Битирув малака иши мавзусини ўрганилганлик даражаси. Халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия нормалар бир қатор машҳур ҳуқуқшунос олимлар тамонидан ўрганилган, чунончи, Ўзбекистон Республикасида Х.Х.Рахмонкулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, С.С. Ғулямов, С.С. Хамроев, О.Маматқулов, Россияда В.В.Покровская, М.М.Богуславский, М.Г.Розенберг, И.В.Гетьман-Павлова, А.В.Попова, Л.А.Лунц, Т.Н.Шалашова, Англияда – Я.Броунли, В.Фридман, М.Вольф, К.Шмитдгофф; АҚШда – В.И.Леви, А.Левинфельд Францияда – П.Вейл, Ф.Фушер. Италияда – П.Пиконе, П.Рейтер, Германиялик П.Фишер ва бошқа шу каби юзлаб олимлар илмий изланишларида, халқаро шартномаларда, давлатларнинг миллий қонунларида ва бошқа юридик журналларда ёритилган.

¹ И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Халқ сўзи газ. 13 ноябрь 2010 йил. –Б.1-2.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия нормалар борасида тегишли таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Коллизия нормалар тушунчаси ва аҳамияти тўғрисида мулоҳазалар ва мунозаралар юритиш;

- Халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда моддий-ҳуқуқий нормаларнинг тутган ўрни ва аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан ёритиш;

- Коллизия нормаларни изоҳлаш, шарҳлаш ва тадбиқ қилиш масалаларини ўрганиш;

- мавзу бўйича хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малака ишининг норматив ва назарий асослари.

Тадқиқотнинг норматив асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси ва халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда халқаро шартномалар ташкил этади. Назарий асоси эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, ҳуқуқшунос олимларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган дарсликлари, қўлланмалари ва илмий мақолалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услубий асосларини фалсафанинг билиш назарияси томонидан ишлаб чиқилган, давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидан қўлланиладиган мантиқий, қиёсий, анализ ва синтез, тизимлаштириш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг объектини халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, коллизия нормаларнинг аҳамияти, моҳияти ва уларни такомиллаштириш борасидаги моддий-ҳуқуқий муаммолар ташкил этади.

Малака ишининг тузилиши кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, норматив ва назарий асослари, услубий асослари, объектлари ва амалий аҳамияти, мақсад ва вазифалари, илмий ишланганлик даражаси ва тадқиқотнинг тузилиши акс эттирилган.

Малака ишининг биринчи боби халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия норма тушунчаси ва аҳамиятига бағишланган бўлиб, икки параграфдан иборат.

Бу параграфларда мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда халқаро хусусий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, коллизия нормалар тушунчаси ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Иккинчи бобда халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда моддий-ҳуқуқий нормаларнинг тутган ўрни ва аҳамияти тадқиқ қилинган.

Учинчи бобда коллизия нормаларни изоҳлаш, шарҳлаш ва тадбиқ қилишнинг хос жиҳатлари таҳлил этилган.

Хулоса қисмида тадқиқот натижасида вужудга келган хулосалар асосида тақлиф ва мулоҳазалар баён этилган.

1-боб. Халқаро хусусий ҳуқуқда коллизия норма тушунчаси ва аҳамияти

1.1. Мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Ватанисиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришда халқаро хусусий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Бугунги кунда дунё иқтисодиёти ва халқаро бозор талаблари тез суръатлар билан ўзгариб бораётгани, уч йил олдин бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, кўзга кўринган кўпгина экспертларнинг прогнозлари бўйича яна давом этиши, янги тўфон ва зарбалар юз бериши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, бундай синовларнинг олдини олиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янада катта эътибор бераётганимизнинг сабаби яққол аён бўлади.

Бунинг устига, бугун замоннинг ўзи, жаҳон бозорида рақобат ғоят кескинлашиб, авжига чиқаётгани ва тобора шафқатсиз тус олаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг амалий ҳаётимизда янада кенг ўрин эгаллаши, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиб бериш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш масалалари мутлақо бошқача маъно-мазмун топишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимиз учун обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллашда Асосий қонунимиз мустаҳкам замин бўлиб келмоқда.

Бугун ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолар эканмиз, аввало Конституциямизнинг асосий принциплари ва қоидалари негизида қабул қилинган қонун ва дастурлар бўйича давлат қурилиши, ижтимоий-иқтисодий қурилиш борасида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини қайд этишимиз табиий, албатта.

Мамлакатимиз эришган бундай улкан марраларнинг барчасини бутун дунё тан олаётганини кўриб, Асосий қонунимиз белгилаб берган мустақил тараққиёт йўли нақадар тўғри эканига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилмоқдамиз¹.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. Бир сўз билан айтганда, Асосий қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди.

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларининг изчиллиги ва босқичма-босқичлиги, биз танлаган тадрижий тараққиёт йўли, биз учун номақбул бўлган, “шок терапияси” деб аталган ислоҳотларни асоссиз равишда тезлаштиришнинг турли шаклларидадан воз кечганимиз, четдан қарз олиш сиёсатининг пухта ўйлангани ва эҳтиётлик билан амалга оширилгани, мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва анъанавий ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олганимизни таъкидлаш муҳим, албатта².

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

“Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилмоқда ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда ретсессия ҳолатига, яъни иқтисодийнинг

¹ Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009. Манба: “NORMA” Ахборот ҳуқуқий тизими. <http://www.norma.uz>.

² Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 07.12.2011й. Манба: “NORMA” Ахборот ҳуқуқий тизими. <http://www.norma.uz>.

ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинмоқда”¹.

Кўпгина тараққий топган мамлакатларда вазият қандай тус олишини олдиндан айтиб бўлмайдиган ва турли хавф-хатарлар сақланиб қолаётган бир шароитда давлат қарзлари ва давлат бюджети тақчиллиги тобора ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиш ва ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда. “Саккизлик” ва “йигирмалик” деб аталган мамлакатлар гуруҳлари доирасида қабул қилинаётган қарорларга қарамасдан, энг аввало, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модел ҳанузгача ишлаб чиқилмаган. Бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича ҳаракат қилишга мажбур этмоқда.

Айни пайтда, шуни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз керакки, иқтисодий ўсишни таъминлаш, одамларимизнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топиш энг муҳим бир вазифани муваффақиятли ҳал этишни талаб қилади.

Бу вазифа авваламбор демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан жадал ва самарали илгарилаб боришдан иборатдир².

¹ “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.yurida.uz.

² Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузаси. 27.01.2010. Манба: “NORMA” Ахборот ҳуқуқий тизими. <http://www.norma.uz>.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқур тус олган бир шароитда ўтган 2009 йил якунларини танқидий баҳолаш ва шу асосда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муқим устувор йўналишларини белгилаб олишдан иборатдир.

Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Ўз-ўзидан аёнки, жаҳон бозорида кечаётган инқироз жараёнлари ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмади ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2012 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкин.

“Биринчи навбатда, дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди, албатта. Шундай муаммоларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилган 2011 йилнинг якунлари билан ҳақли равишда фахрланишимиз учун бугун барча асосларимиз бор”¹.

Юртимиз салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, сўнгги йилларда ишга туширилган янги замонавий қувватлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожини, тизимли равишда амалга оширилаётган

¹“2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.yurida.uz.

ислоҳотлар ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилган ниҳоятда қулай инвестиция муҳити бизга 2010 йилда қуйидаги режаларни белгилашга асос беради.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш — бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилмакоммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат¹.

Шу ўринда хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига беҳавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим. Айти шу мақсадда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги қонунни ишлаб

¹ Каримов И.А. Асосий вазиғамиз Ватанимиз тараккиёти ва халкимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг ялпи яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь. Манба: "NORMA" Ахборот ҳуқуқий тизими. <http://www.norma.uz>.

чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг катъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарур¹.

Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз таракқиётида, авваламбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустаҳкам пойдеворига айланиб, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир².

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми анча ошиб, ўтган йилга нисбатан уларнинг ўсиш суръатлари 109,3 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 24,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

¹ Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”. –Т.: “Ўзбекистон” 2010. Манба: “NORMA” Ахборот ҳуқуқий тизими. <http://www.norma.uz>.

² Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 07.12.2011й. Манба: “NORMA” Ахборот ҳуқуқий тизими. <http://www.norma.uz>.

Шунингдек, хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга кўпайиб, 3 миллиард 300 миллион доллардан ошади. Мазкур маблағнинг 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиғи ёки қарийб 70 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши айниқса эътиборлидир.

Бу хорижий инвесторларнинг иқтисодий имтиёзларнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истиқболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далolat беради.

Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2012-йилда ва ундан кейинги йилларда кўйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур.

Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти аввало шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодий имтиёзларни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз.

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодий шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас.

Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар

бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта¹.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Президентимиз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози билан боғлиқ халқаро майдондаги ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга баҳо берар экан, мазкур жараёнларнинг ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмагани ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2012 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини ташвишланарли ҳол сифатида таъкидлаб ўтди.

Барчамизга маълумки, мазкур жараёнларнинг таъсирини реал баҳолаган ҳолда, мамлакатимиз раҳбари инқирознинг дастлабки палласидаёқ “...тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди. Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади”², дея ўзларининг қатъий фикрларини

¹ “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. www.yurida.uz.

² Ислом Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 11-б.

билдирган ҳамда инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган йўналишларини олдиндан кўрсатиб берган эди.

Президентимиз ўз маърузасида биринчи навбатда дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаслигини қайд этиб ўтди.

Шуниси эътиборлики, мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилган самарали иқтисодий сиёсат, энг аввало иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ҳар томонлама пухта ўйланган ўз тараққиёт йўлимиз – ўзбек моделининг тўғри танлаб олингани ва унинг муҳим тамойилларига оғишмай амал қилиб келинаётгани инқироз шароитида иқтисодиётимиз учун ўзига хос “хавфсизлик ёстиғи” вазифасини бажарди. Айниқса, маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлига юртимизда қатъий амал қилиб келинаётгани, давлатнинг бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олгани, мамлакатимизда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилгани ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги, оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилгани, аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чоратадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги ва бошқа муҳим омиллар жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi таъсирини сезиларли даражада юмшатишда мустаҳкам замин бўлди.

Бу эса кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденцияларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 2011 йилда ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли жабҳаларида катта ютуқларга эришиш имконини берди.

Президентимиз ўз маърузасида охириги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Мълумот ўрнида!

Жаҳон молия институтлари – жаҳон молиявий ва иқтисодий тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида ушбу жараёнларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқадиган, турли восита ва йўллар билан қўллаб-қувватлайдиган ва тавсиялар берадиган халқаро ва миллий молиявий ташкилотлар.

Халқаро валюта жамғармаси– халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришига таъсир кўрсатиш мақсадида 1944 йилда ташкил этилган халқаро валюта-молия ташкилоти. Халқаро валюта жамғармаси – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов баланснинг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилот. ХВЖ ўз фаолиятини 1947 йил 1 мартдан бошлаган.

Жаҳон банки–1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институти бўлиб, ўз фаолиятини 1946 йил 25 июнда бошлаган.

1.2. Коллизион нормалар тушунчаси ва аҳамияти.

Чет эл элементлари билан мураккаблашган мулкӣ ва шахсий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ нормаларининг моҳиятини талқин қилиш ва уларнинг қўлланиши хусусиятла рини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Давлатлар, жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги алоқаларнинг сўнгги йилларда ниҳоятда кенг миқёсда авж олиши ушбу алоқаларнинг ҳуқуқий қоидаларини ўрганишни асосий вазифалардан бири қилиб қўймоқда.

Халқаро хусусий ҳуқуқ ҳуқуқнинг соҳаси сифатида халқаро характердаги фуқаролик ва бошқа ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ўзининг махсус усуллари ва воситаларига эга¹. Бу ерда икки усул —

¹ Юридическая энциклопедия. Под. ред. М.Ю.Тихомирова. –М.: 1997. 238 б.

коллизиион ва моддий-ҳуқуқий методларнинг ўзаро таъсири ва бирлиги тўғрисидаги гап кетмоқда.

Коллизия (инглизча *clash, collision*) — қарама-қарши кучлар, манфаатлар ва мақсадларнинг тўқнашуви бир хил ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги демакдир¹.

Коллизия – лотинча тўқнашувчи иш деган маънони беради. Лекин ушбу атама шартли характерга эга. Аслида қонунлар коллизияси, яъни улар ўртасида қўлланиши зарур бўлган қонидани танлаш ҳақида гап юритилади. Суд ёки бошқа орган томонидан турли давлатлар қонунларини ўрганиш, изоҳлаш ва қиёслаш йўли билан чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатга нисбатан тегишли ҳуқуқ нормасини қўллаш тўғрисидаги масаланинг ҳал қилиниши, халқаро мулкӣ ва шахсий муносабатларни тўғри тартибга солиш учун муҳим аҳамиятга эга. Коллизиион муаммо – у ёки бу ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўллаш учун тегишли бўлган ҳуқуқни танлаш муаммосидан иборат. Коллизиион нормалар бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларига нисбатан иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Лекин улар халқаро хусусий ҳуқуқнинг мазмунини ташкил қилади ва моддий-ҳуқуқ соҳаларидаги тўқнашувларни бартараф қилишда асосий вазифани бажаради².

Коллизиион норма (инглизча *conflict, collision norm*) — халқаро характердаги фуқаролик ёки бошқа ҳуқуқий муносабатларга қайси давлат ҳуқуқи қўлланишини кўрсатувчи нормади.

Коллизиион норма мазмунига кўра анъанавий фуқаролик ҳуқуқий нормаларга ўхшамайди. Фуқаролик ҳуқуқий нормалар тузилиши 3 элементдан, яъни: гипотеза (қўллаш шартлари), диспозиция (хулқ-атвор қоидалари) ва санкция (давлат таъсир чоралари)дан иборат бўлса, коллизиион

¹ Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 1999. 523 б.

² Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва бошқалар. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Дарслик. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2002. 51 б.

нормалар тузилишига кўра 2 элементдан иборатдир. Бу элементлар қуйидагилардан иборат:

А) ҳажм – коллизия норма қўлланиши керак бўлган тегишли ҳуқуқий муносабатлар;

Б) боғланиш - бу муайян муносабатга нисбатан қўлланадиган қонунни (ҳуқуқ тизимини) кўрсатувчи қисм¹.

Коллизия норма муайян муносабатга нисбатан қайси давлатнинг ҳуқуқи қўлланиши мумкинлигини кўрсатиб туради. Коллизия норманинг бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларидан асосий фарқи шундан иборатки, унинг воситасида қўлланиши учун керак бўлган ҳуқуқни кўрсатиш йўли билан коллизия муаммо бартараф қилинади. Масалан, Франциянинг қонуни бўйича 18 ёшга тўлган қиз ота-онасининг розилигисиз никоҳдан ўтиш ҳуқуқига эга эмас, Ўзбекистон қонуни бўйича 18 ёшга тўлган эркак ёки 17 ёшга тўлган аёл ихтиёрий равишда никоҳ тузишлари мумкин. Чет эл фуқароси билан Ўзбекистон фуқароси ўртасида тузиладиган никоҳнинг шартлари Ўзбекистон қонунлари билан белгиланади. Агар Ўзбекистонга ташриф буюрган француз қиз Ўзбекистон йигити билан ота-онасининг розилигисиз никоҳдан ўтган бўлса, бундай никоҳ қандай баҳоланиши керак, яъни у ҳақиқий ёки ҳақиқий эмас, деб топилиши керакми. Ўзбекистон қонуни бўйича ҳақиқий, лекин Франция қонуни бўйича бунинг акси, чунки қиз ота-онасининг розилигини олган эмас. Бундай ҳолатда француз қизини Ўзбекистонда никоҳдан ўтказиш, яъни ушбу никоҳни қайд қилиш учун Франция қонунини қўллаш талаб қилинмайди. Бордию француз қизи ўз ватанига қайтиб борганидан сўнг никоҳдан ажралмоқчи бўлса, бунинг учун Франция қонунига асосан ота-онасининг розилигини олмаганлиги асос бўлиши мумкин. Демак, бундай ҳолатларда коллизия нормани аниқлаш ва унинг ёрдамида тегишли давлат ҳуқуқини қўллаш талаб қилинади. Никоҳ Ўзбекистон ҳудудида тузилгани учун у Ўзбекистон қонунига асосан қайд

¹ Международное частное право. Учебное пособие. Издание 2-е. Переработанное, дополненное. Алматы: Гылым, 1998. 45 б.

қилинади, никоҳни бекор қилиш эса Франция қонунига биноан Францияда амалга оширилиши мумкин.

Демак, коллизия норма ўз ҳолича масалани охиригача ҳал қилмайди, у тегишли қоида назарда тутилган қонуннинг моддий нормаларига ҳавола қилади, яъни кўрсатиб беради. Бундай моддий нормалар қонун ости ҳужжатлар эмас, балки фақат коллизия нормаларнинг манбаи ҳисобланувчи қонунларда назарда тутилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида бундай қонунлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси, Ҳаво кодекси, Фуқаролик процессуал кодекс ва конституциявий аҳамиятга эга бўлган бошқа қонунлар киради.

Демак, коллизия норма - бу тегишли ҳуқуқий муносабатга нисбатан қайси давлатнинг ҳуқуқини қўллаш кераклигини белгилаб берувчи нормадан иборат. Коллизия норма ҳавола қилувчи, кўрсатиб берувчи норма характерига эга бўлганлиги туфайли, ундан фақат биронта моддий-ҳуқуқий норма, яъни масалани ҳал қилишга қаратилган қонуннинг моддий-ҳуқуқий нормаси билан биргаликда фойдаланиш мумкин. Коллизия норма билан моддий-ҳуқуқий нормалар биргаликда ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчилар учун тегишли бўлган ҳатти-ҳаракат қоидаларини яратади. Халқаро хусусий ҳуқуқ таркибида коллизия ва моддий-ҳуқуқий нормаларни бирлаштириш икки хил метод (усул) ёрдамида, лекин характери жиҳатдан бир хил бўлган муносабатларни тартибга солади.

Қонунлар коллизияси (лотинча *collizio* — тўқнашув инглизча *conflict collision of laws*) — битта масала бўйича ишлаб чиқарилган (ёки чоп этилган) ва расмий амал қилаётган икки ёки ундан ортиқ норматив актларнинг мазмунан тўғри келмаслиги (тўқнашиши)¹ демакдир. Қонунлар коллизияси кўрилатган масалага қўлланиши керак бўлган норматив актни танлаш йўли билан ҳал этилади.

¹ Юридическая энциклопедия. Под. ред. М.Ю.Тихомирова. –М.: 1997. 202 б.

XXXнинг мазмуни коллизия нормаларнинг ўзи билангина чегараланиб қолмайди. XXX таркибида коллизия ва моддий-ҳуқуқий нормаларнинг бирлашиши, характериға кўра, бир хил бўлган муносабатларни икки хил турдаги методлар билан тартибга солиш заруриятига асосланган.

Маълумки, XXX коллизия-ҳуқуқий тартибга солиш методларининг қўлланиши асосида вужудга келган. Аммо ушбу ҳуқуқий методнинг қўлланиши қатор қийинчиликлар ва салбий оқибатлар билан боғлиқ.

Биринчидан, айрим ҳуқуқий тизимларнинг коллизия нормаларида тафовутлар мавжуд бўлиб, битта масала бўйича турли давлатлар ҳуқуқиға мурожаат қилдириши мумкин.

Иккинчидан, айрим давлатларнинг қўлланиши керак бўлган ҳуқуқи ўз хусусиятлариға эға ва битта ҳуқуқий институт учун мазмунан турли нормаларни белгилаши мумкин ёки умуман зарур бўлган тартибга солиш мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин (масалан, ташқи иқтисодий алоқалар амалиёти натижасида ишлаб чиқарил-ган ва ички ҳуқуқ нормаларида акс эттирилмаган янги институтлар худди шундай ҳолға тушади).

Натижада, хорижий элементли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларида ҳуқуқий ноаниқлик вужудга келади ва охир-оқибатда қарор бир тараф учун салбий бўлиши мумкин. Масалан, харидор ўз мамлақатида амал қилаётган даъво муддатлариға асосланиб иш тутади, у тузган ташқи савдо-сотик шартномасиға қараса эса, сотувчининг давлати ёки учинчи давлат ҳуқуқи қўлланилади, унга кўра эса даъво муддатлари анча қисқа бўлиб, харидорнинг ҳуқуқлари бу ҳолда муҳофаза қилинмаган бўлади. Миллий фуқаролик жараён нормаларидаги тафовутлар натижасида турли хилдаги процессуал ҳаракатларни чет элда амалға оширишда қийинчиликлар вужудга келади.

Ўтган асрнинг охирида халқаро алоқалар соҳасидаги муносабатлар учун бир хил (бир турдаги) ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш бошланган эди. Бу нормаларнинг манфаатдор давлатлар томонидан миллий ҳуқуқнинг

турли хилдаги қоидалари ўрнида қабул қилиниши юқорида кўрсатилган моддий-ҳуқуқий нормалардаги қийинчиликларни бартараф қилишга ёрдам беради. Моддий-ҳуқуқий нормалар деб халқаро ёки хорижий элемент катнашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун халқаро конвенцияларга қўшилиш ёки халқаро шартнома (унификациялаштирилган нормалар) тузиш йўли билан давлат томонидан бир томонлама тартибда махсус белгиланган нормалар тушунилади.

Тартибга солишнинг моддий-ҳуқуқий методи афзаллигини кўйидагича ифодалаб бериш мумкин:

1. Юқорида кўрсатилганидек моддий-ҳуқуқий нормалар хорижий элементли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун қўлланилади (моддий-ҳуқуқий методда махсус тартибга солиш қўлланилса, коллизия методда — умумий тартибга солиш қўлланилади).

2. Тўғридан-тўғри тартибга солиш методининг қўлланиши маълум муносабатлар иштирокчилари учун кўпроқ аниқлик яратади, чунки улар учун ва ушбу нормаларни қўллаётган маълум органлар учун бу моддий-ҳуқуқий нормалар олдиндан маълумдир.

Шу билан бирга, коллизия нормативнинг халқаро хусусий ҳуқуқда ўзига яраша ўрни бор бўлиб, қатор ҳолларда эса айнан шу нормаларнинг қўлланиши унинг янада самарали тартибга солишини таъминлайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизия нормалари бошқа ҳуқуқий нормалар ичида нафақат мазмуни (мақсади), балки баён этилишининг шакли (структураси) билан ҳам ажралиб туради. Юқорида кўрсатилганидек, коллизия нормаларнинг мақсади — халқаро мулоқот шароитида вужудга келувчи муносабатларда қўлланивчи ҳуқуқни аниқлашдан иборатдир, чунки бундай муносабатларни тартибга солишда бир неча мамлакатларнинг ҳуқуқий тартибини қўллаш мумкин, вужудга келган коллизияни эса ҳал этиш зарур бўлади. Коллизия нормалар ушбу коллизияни ҳал этиб, хорижий элементли муносабатларни маълум давлат ҳуқуқига тобе қилади.

Коллизион нормаларни шарҳлаш ва қўллаш масаласига келсак, шуни айтиб ўтиш керакки, коллизион нормаларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

конун чиқарувчининг иродасини изҳор этиш (ёки билдириш) усули бўйича императив ва диспозитив.

Бошқа фуқаролик-ҳуқуқий нормалар каби коллизион нормалар ҳам ёки императив (мажбурий) ёки диспозитив характерга эга бўлади. Сўнгги ҳолда тарафлар улар ўртасидаги муносабатларга нисбатан бошқа принципдаги ҳуқуқ қўлланиши тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

Савдо-сотиқ шартномаси, мулк ижараси, лицензия шартномаси, сақлаш, комиссия, топширик, юк ва йўловчилар ташиш, транспорт экспедицияси, суғурта, кредит шартномалари, ҳадя шартномаси, кафолат шартномаси, гаров шартномаси ва ҳоказо каби ташқи иқтисодий битимлар борасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига нисбатан қўлланивчи барча коллизион нормалар диспозитив характерга эгадир.

Императив коллизион нормаларга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1191-моддасини келтириш мумкин: «Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади».

Боғланишлар сонига кўра бир хил маъноли ва муқобил (кумулятив) нормалар. Кўп ҳолларда коллизион нормалар битта боғланишга эга. Аммо гоҳида уларда икки ёки ундан ортиқ боғланишлар бўлиб, улар бошқа мамлакатлар ҳуқуқига ҳавола қилади ва альтернатив ёки ккумулятив бўлишлари мумкин. Биринчи қарашда бундай мураккаб ҳуқуқий ечим қулайроқ ва адолатлироқ тартибга солиш тизимини вужудга келтиради, бу эса ўз ўрнида ваколат олувчи шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг учун афзал бўлган мамлакат ҳуқуқига таяниш имкониятини беради.

Альтернатив боғланишлар кўп мамлакатлар ҳуқуқи томонидан деликт мажбуриятларга нисбатан қўлланилади, деликт мажбуриятлар эса, ўз ўрнида, жабрланувчи ихтиёрига кўра зарар етказилган жой ҳуқуқига ёки

хуқуқбузарлик содир этилган жой хуқуқига бўйсунди¹. АҚШ таълимотида бу ҳолларда тўртта боғланишдан фойдаланиш тавсия этилади: юқорида кўрсатилган иккита боғланишдан ташқари тарафларнинг манзили (миллати) ва тарафлар ўртасидаги муносабатлардаги оғирлик марказининг жойи, яъни бу муносабатлар кўпроқ содир бўладиган ҳудуд².

Бизнинг қонунчилигимизда бундай альтернатив боғланишлар қўлланилмайди, аммо кумулятив характердаги боғланишлар мавжуд. Бундай ҳолларда ечилаётган масалани икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг хуқуқига ҳавола этишга йўл қўйилади. Аммо бунда ҳавола этиш техникаси — ўзгача. Кумулятив боғланишлар ҳам манфаатдор тарафларни янада тўлиқ хуқуқий муҳофаза билан таъминлашга қаратилган, шунинг учун улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Кумулятив боғланишларга мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1181-моддасини келтириш мумкин: «Битимнинг шакли у тузилаётган жой хуқуқига бўйсунди. Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси хуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас»³.

Коллизион боғланиш ўз шаклига кўра бир томонлама ёки икки томонлама бўлиши мумкин.

Бир томонлама коллизион норма фақат ўз мамлакати (ватани) қонунидан фойдаланишни кўрсатади, икки томонлама коллизион нормалар эса нафақат ўз мамлакати, балки чет эл қонунларидан фойдаланиш доираларини ҳам белгилаб беради.

Коллизион нормаларнинг асосий мақсади уларнинг структурасида намоён бўлади. У бошқа хуқуқий нормаларнинг структурасидан ажралиб туриб, анъанавий тасаввурга кўра икки элементни ўз ичига олади: ҳажм (чет эл элементли хуқуқий муносабатларнинг) турини кўрсатади (фуқаролик ёки

¹ Венгрия Халқаро хусусий хуқуқ тўғрисидаги Қонунининг 32-параграфи, Швейцария Халқаро хусусий хуқуқ тўғрисидаги Қонунининг 133-параграфи).

² АҚШ Халқаро хусусий хуқуқ мажмуасининг 145-параграфи.

³ Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. III жилд. –Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси. 1998. 339 б.

бошқа ҳуқуқ институти) ва боғланиш ёки бириктириш таърифи (берилган муносабатларга ёки муносабатлар гуруҳига нисбатан қўлланилаётган мамлакат ҳуқуқи)ни кўрсатади.

Асосий бириктириш формулалари (таърифлари) қуйидагилар:

жисмоний шахсларнинг шахсий қонуни (*lex personalis*), фуқаровийлик қонуни ёки тураржой (манзил) қонуни;

юримдик шахс қонуни (*lex societatus*);

сотувчи мамлакатининг қонуни (*lex venditoris*);

суд қонуни (*lex fori*) (яъни суд жойлашган ҳудудда амал қилаётган қонун);

фуқаролик, ҳуқуқий муносабатларнинг тарафлари томонидан танланган қонун, «эрк мухторияти» (*lex voluntatis*);

мазкур ҳуқуқий муносабат узвий боғланган қонун (*law of the contract*);

байроқ қонуни (*lex flagi*);

хатти-ҳаракат содир этилган жой қонуни (*lex loci actus*); шартнома тузилган жой қонуни (*lex loci contractus*), шартномани ижро этиш жойи қонуни (*lex solutionis*);

никоҳ қайд қилинган жой қонуни (*lex loci celebrations*);

зарар етказилган жой қонуни (*lex loci delicti commissi*) ва ҳоказолар¹.

Барча ҳуқуқий нормалар каби, коллизия норма ҳам қўлланиши вақтида унинг мазмунини тушуниш ва янада очиб бериш мақсадида шарҳлаб берилиши керак. Коллизия нормаларни изоҳлаш натижасида халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи айрим қўшимча ҳуқуқий саволлар вужудга келиши мумкин. Масалан, коллизия норманинг қўлланиши жараёнида коллизия нормаларнинг (ҳам ҳажми, ҳам боғланиши) формулировкасида қўлланувчи юримдик тушунчаларни баҳолаш, талқин қилиш муаммоси вужудга келади.

Коллизия нормаларнинг боғланишида «шахсининг тураржойи» («домицил» — яъни ҳуқуқий аҳамияти бўлган тураржой), «юримдик шахс

¹ Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 1999. 526 б.

таъсис қилинган жой», «мол-мулк жойлашган жой», «битим тузилган жой», «ҳуқуқбузарлик содир этилган жой» ва ҳоказо иборалар мавжуд. Коллизион нормаларнинг ҳажми «муомала лаёқати», «ашёга бўлган мулк ҳуқуқи», «шартнома бўйича мажбурият», «ҳуқуқбузарликдан келиб чиқувчи мажбурият», «даъво муддати» ва ҳақозо иборалар орқали белгиланади. Кўрсатилган иборалар ва уларга мувофиқ келувчи тушунчалар давлатларнинг ички ҳуқуқий тизимларида ҳар доим ҳам бир хил мазмунга эга бўлавермайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1159-моддасида юридик тушунчаларга суд ёки бошқа давлат органлари томонидан ҳуқуқий баҳо берилишида, агар қонунда бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, бундай юридик тушунчаларни низо кўриб чиқиладиган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига мувофиқ шарҳлаш нормаси белгиланган¹.

Масалан, Францияда, қатор бошқа давлатлардагидек, даъво муддатига фуқаролик-ҳуқуқий тушунчаси сифатида қаралса, Буюк Британия, АҚШ ва Финляндияда процессуал ҳуқуққа оид тушунча деб қаралади.

Француз суди ўтган муддатни ўзининг эмас, инглиз ҳуқуқига асосан баҳолаши лозим бўлса (битимга нисбатан инглиз ҳуқуқи қўлланилган ҳолларда), даъво муддати тўғрисидаги инглиз қоидаларини қўллай олмайди, чунки суд умуман чет эл процессуал қонунларини қўлламаслиги лозим.

Ҳар бир коллизион норма хорижий ҳуқуқий тизимларнинг номуайян доираси ва улар таъсири остида вужудга келган субъектив ҳуқуқларнинг ҳаракатини тан олишга йўналтирилган. Шунинг учун ушбу норма тегишли ҳуқуқий тизимлар учун мазмуни жиҳатидан умумий бўлган иборалар ва тушунчалар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, коллизион нормадаги ибора ва тушунчалар улар билан бир хил бўлган ушбу

¹ Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. III жилд. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998.312 б.

мамлакатнинг ички ҳуқуқидаги тушунчалар билан мазмун жиҳатидан тўғри келмаслиги мумкин.

Қонунларимизнинг коллизия нормаларида «мулк», «фуқаролик ҳуқуқий лаёқат» каби тушунчалар қўлланганда улар мазмун жиҳатидан моддий ҳуқуқдаги шундай тушунчалар билан тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун коллизия норманинг таъсир доираси (унинг ҳажми) «умумлаштирилган» юридик тушунчалар, яъни турли ҳуқуқий тизимлар учун умумий бўлган тушунчалар ёрдамида ифодаланиши зарур.

Коллизия боғланишлар баҳоланишига келсак, бу ерда ҳолат бошқача: ҳуқуқни қўллаш тўғрисидаги кўрсатманинг тўла аниқлигини фақатгина боғланиш квалификациясини суд қонунига асосан қўллаш, яъни тегишли ҳуқуқий институтларга асосан ушбу мамлакатнинг ички фуқаролик (оила, меҳнат) ҳуқуқида мавжуд бўлган худди шундай тушунчаларни қўллаш йўли билан таъминлаш мумкин.

Мамлакатимиздаги расмий қарашлар (доктрина)нинг юридик тушунчалар квалификациясига умумий ёндашиш мана шундан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1159-моддасига кўра, юридик тушунчалар низо кўриб чиқилаётган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига номаълум бўлса ёки бошқа ном ёхуд бошқа мазмун билан маълум бўлса ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича талқин этиш орқали аниқланиши мумкин бўлмаса, уларга ҳуқуқий баҳо беришда чет давлат ҳуқуқи ҳам қўлланиши мумкинлиги кўрсатилган¹.

Ўзбекистон Республикаси коллизия нормаси чет эл қонунига (чет эл ҳуқуқий тизимига) мурожаат қилишни тавсия қилса, суд ёки хўжалик суди олдида чет эл қонунининг мазмунини қандай аниқлаш керак, деган савол пайдо бўлади.

Бу саволга Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1160-моддасининг 1-қисми жавоб беради. Унга кўра, чет эл ҳуқуқини қўллашда

¹ Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. III жилд. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998.312 б.

суд ёки бошқа давлат органи унинг нормалари мазмунини бу нормаларнинг тегишли хорижий давлатда расмий талқин этилиши, қўлланиш амалиёти ва доктринасига мувофиқ аниқланади.

Ушбу нормадан келиб чиқадики, кўзда тутилган ҳолларда чет эл қонунини у ўз ватанида қандай қўлланса, худди шундай қўллаш керакдир. Суд чет эл қонунини ўз қонунларига ва ўз ҳуқуқий нормасига нисбатан қандай тартибда талқин қилса, худди шундай талқин этилиши мумкин эмас: у нафақат тегишли қонун, балки бу қонуннинг суд амалиётида талқин қилиниш доирасига ҳам амал қилиши лозим. Бу ҳолда амалиёт ушбу мамлакатда ҳуқуқ манбаси ёки қўшимча манбаси ҳисобланишини ҳам назарда тутиш лозим.

Судлар, ўз ихтиёрига кўра мамлакат коллизион нормаси ҳавола қилган чет эл қонунини тарафларнинг биронтаси чет эл қонунига асосланиш-асосланмаслигидан қатъи назар, қўллаши зарур, аммо суд қўлланиши лозим бўлган чет эл қонунининг мазмунини аниқлаш учун тарафларни ёрдамга жалб қилиши мумкини ёки ишда иштирок этаётган шахс чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишга ҳақлидир (Ўзбекистон Республикаси ФК 1160-моддасининг 3-қисми). Шунингдек, шу мақсадда суд экспертларни жалб қилиши ёки тушунтиришлар сўраб, Адлия вазирлигига ёки бошқа миллий ваколатли органларга мурожаат қилиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси ФК 1160-моддасининг 2-қисми).

Чет эл ҳуқуқи нормаларининг суд томонидан нотўғри қўлланиши қабул қилинган қарорни кассацион тартибда бекор қилишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Агар ушбу моддага мувофиқ кўрилган чора-тадбирларга қарамай, чет эл ҳуқуқи нормаларининг мазмуни мақбул муддатларда аниқланмаса Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади (Ўзбекистон Республикаси ФК 1160-моддасининг 4-қисми).

Чет эл ҳуқуқига ҳавола этиш ва орқага ҳавола қилиш коллизион нормаларни татбиқ қилишда энг мураккаб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФК 1161-моддасининг 1-қисмига кўра, чет эл ҳуқуқига ҳар қандай ҳавола этиш тегишли мамлакатнинг коллизия ҳуқуқига эмас, балки моддий ҳуқуқига ҳавола этиш деб қаралиши лозим.

Бизга маълумки, мамлакатимиз коллизия нормаларининг моҳияти шундан иборатки, улар чет эл элементли биронта ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон ёки хорижий давлат ҳуқуқига (ҳуқуқий тизимига) ҳавола қилади. Чет эл ҳуқуқига ҳавола қилиш вақтида қуйидаги савол тугилади: чет эл қонунчилигининг фақат моддий нормалари қўлланиши мумкинми ёки ўз ичига коллизия нормаларни олган бутун бошли қонунчилик қўлланиладими?

Ижобий жавоб берилган ҳолда, «орқага ҳавола қилиш», айрим ҳолларда эса «учинчи қонунга» ҳавола қилиш вужудга келади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси ФК 1161-моддасининг 2-қисмида чет эл ҳуқуқи ушбу Кодекснинг 1168-моддасига ҳамда 1169-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларига, 1171 ва 1174-моддаларига мувофиқ қўлланилган ҳолларда қарши томон сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этишни қўллаш кўзда тутилган.

Орқага ҳавола қилиш муаммоси халқаро муносабатларда ўтган асрнинг охирида кўриб чиқилган қатор суд ишларидан келиб чиқди. Улардан биттасини мисол қилиб келтирамиз.

Доимий равишда Бельгияда истиқомат қилувчи инглиз фуқароси маълум шахсларга йирик пул маблағини васият қилган. Васиятноманинг шакли - ёзма бўлиб, фуқаронинг ўз қўли билан ёзилган ва имзоланган. Аммо ҳеч қаерда тасдиқланмаган.

Бельгияда васиятноманинг тасдиқланмаган шакли тан олинмайди. Англия ҳуқуқига кўра эса, васиятнома қонунга тўла мувофиқдир.

Вафот қилганнинг меросхўрлари Англияда васиятноманинг ҳақиқийлигига эътироз билдиришди. Аммо инглиз коллизия ҳуқуқида васиятнома шахснинг тураржойида амал қилувчи қонунлар асосида

тузилиши керак деб айтилган, демак, инглиз ҳуқуқи Бельгия ҳуқуқига ҳавола қиляпти.

Бельгия ҳуқуқини қўллаш вақтида васиятнома бекор қилиниши керак. Аммо Бельгия ҳуқуқи ворислик соҳасида фуқаролик принципига асосланади.

Демак, Бельгия ҳуқуқи ўзи ушбу масалани ҳал этишдан бош тортади, инглиз ҳуқуқи ҳам ўз ўрнида Бельгия ҳуқуқига ҳавола қилади. Ва бу ҳолда масаланинг ечилиши охири кўринмайди¹.

Шунинг учун орқага ҳавола қилиш қўлланиш-қўлланмаслигига қараб масала ҳал этилади.

Ушбу масала борасида бир неча мумкин бўлган вариантларни кўриб чиқамиз:

1. Фараз қиламизки, Бельгияда истиқомат қилувчи Бельгия фуқароси юқорида кўрсатилган васиятномани тузди ва бу васиятнома ҳақиқий эмас деб тан олинди.

Бельгияда истиқомат қилувчи Англия фуқароси шундай васиятномани тузди ва у Бельгияда эътироз қилинмоқда. Бельгия қонунларига кўра ҳам васиятнома ҳақиқий эмас деб топилади. Аммо қўлланилаётган ҳуқуқ бу ҳолда фуқаролик принципига кў-ра белгиланади ва демак, инглиз ҳуқуқига ҳавола қилади. Инглиз ҳуқуқини қўллаш вақтида васиятнома ҳақиқий деб тан олинади. Лекин юқорида кўрсатилганидек, инглиз ҳуқуқи ўзи Бельгия ҳуқуқига орқага ҳавола қилади (Бельгияда орқага ҳавола қилиш қўлланилади). Бу ҳолда эса васиятнома ҳақиқий эмас деб тан олинади.

Бу ерда орқага ҳавола қилиш қайси ҳолларда қўлланишини билиш муҳим аҳамиятга эга. Агар Англияда ворислик соҳасида орқага ҳавола қилиш қўлланилди деб фараз қилсак ва васиятнома Англияда эътироз қилинаётган вақтда инглиз қонуни Бельгия қонунига ҳавола қилган ҳолда, Бельгия қонуни эса ўз ўрнида инглиз қонунига орқага ҳавола қилса, бу ҳолда инглиз қонуни қўлланилади ва васиятнома ҳақиқий деб тан олинади.

¹ Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: Адолат. 1999. 529 б.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1161-моддасининг 2-қисмига кўра, ворислик соҳасида орқага ҳавола этиш қўлланилмайди.

Чет эл қонунига ҳавола этувчи коллизия норма боғланиши маълум салбий хусусиятларга эга. Ушбу ҳавола этиш «умумий» характерга эга бўлиб, номуайян доирадаги чет эл қонунларини қўллаш имкониятини белгилайди. Натижада коллизия норма таркибида мамлакат ҳуқуқи суд ёки арбитражнинг асосий принципларига зид бўлган нормалар мавжуд бўлган мамлакат қонунига ҳавола этиши мумкин.

Чет эл ҳуқуқини қўллашдан воз кечиш фақатгина маълум хорижий давлатнинг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизими билан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизими ўртасидаги тафовутга асосланиши мумкин эмас албатта.

Тартибга солишнинг моддий-ҳуқуқий методи афзаллигини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Юқорида таъкидланганидек моддий ҳуқуқий нормалар хорижий элементли фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган («моддий-ҳуқуқий методда доимо махсус тартибга солиш, коллизия методда эса умумий тартибга солиш қўлланилади»).

2. Тўғридан-тўғри (бевосита) тартибга солиш методининг қўлланиши тегишли муносабатлар иштирокчилари учун янада аниқлик яратади, чунки уларга ва ушбу нормаларни қўлловчи тегишли органларга ушбу моддий-ҳуқуқий нормалар доимо олдиндан маълум¹.

Мумкин қадар қулайлик бериш (имкон туғдириш) тамойили (инглизча the largest favour) — турли давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамда савдо муносабатларини тартибга солишнинг асосий принципларидан ҳисобланади. Мумкин қадар қулайлик яратиш режими шуни англатадики, шартлашаётган давлатларнинг ҳар бири бошқа давлатга унинг фуқаролари ва юридик

¹ Богуславский М.М. Международное частное право. Учебник. 2-изд., перераб и доп. Международное отношение. 1994, 82 б.

шахсларига уларнинг ўзаро муносабатлари соҳасида мумкин қадар қулай ҳуқуқлар, имтиёзлар, афзалликлар бериш мажбуриятини олади ва бунда учинчи давлат ва унинг фуқаро ҳамда юридик шахсларига берилган ёки бериладиган ҳуқуқ имтиёз ва афзалликлардан кам бўлмас-лиги шарт.

Миллий режим — келишилаётган бир давлатнинг юридик шахслар ва фуқароларига бошқа келишилаётган давлат ҳудудида шу давлат юридик шахслари ва фуқароларига қандай бўлса, худди шундай ҳуқуқ, имтиёзлар ва афзалликлар берилиши принципига асосланган.

Ўзаровийлик (взаимность) — маълум давлатда бошқа чет эл давлати фуқаролари ва юридик шахсларига белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзлар қандай бўлса, бу давлат ҳам ўша давлат фуқаролари ва юридик шахсларига шундай ҳуқуқ ва имтиёзлар белгилайди. (Мени ҳурматласанг, мен ҳам сени ҳурматлайман).

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий тушунчаларига келсак, доктринанинг (расмий) тутган ўрни устида алоҳида тўхталиб ўтиш керак.

Доктринани (расмий) шарҳлаш (инглизча doctrinal interpretation) — назариячи-юристарлар томонидан ҳуқуқий нормаларнинг тушунтирилиши демакдир (ҳуқуқий тартибга солиш мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам талқин этишга ижозат берилади).

XXX нормалари ва институтларини шакллантиришда доктрина алоҳида аҳамиятга эга. Ҳуқуқнинг айнан шу соҳасида норматив тартибга солишнинг кўзда тутилмаганлиги ва жиддий нуқсонларнинг мавжудлиги сабабли доктрина ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига қараганда муҳимроқ ўринни эгаллаган ва эгаллаб келмоқда.

Ушбу хулоса нафақат доктрина XXXнинг манбаси сифатида қабул қилинган мамлакатларга, балки у манба сифатида эътироф этилмаган мамлакатларга ҳам тегишлидир.

Халқаро хусусий ҳуқуқ фанида коллизион боғланишларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, коллизияларни тартибга солиниши нўқтаи назаридан, келиб чиқиш манбасига кўра ва вақт ҳамда маконда амал

қилиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда коллизия нормаларнинг бир неча турлари эътироф этилади. Коллизия нормаларни турларга бўлиниши уларни таснифлашнинг критерияларига боғлиқ. Коллизия нормаларни таснифлашнинг қуйидаги тартибини кўришимиз мумкин:

Қонун чиқарувчининг иродасини ифода этиш жиҳатидан – императив, альтернатив ва диспозитив коллизия нормалар¹.

Императив коллизия нормада коллизия боғланиш бир дона бўлиб, ўзида қонун чиқарувчининг иродасини акс эттиради. Императив коллизия норма ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ва суднинг ҳуқуқ нормаларини танлаш имкониятини чеклаб қўяди, чунки қонун чиқарувчи императив тартибда ҳуқуқий муносабатни тартибга солиш қонунчилигини белгилаб қўяди.

Альтернатив коллизия нормалар коллизия боғланишларнинг бир неча бўлиш ҳолатида акс этади. Альтернатив коллизия норма судга ўзининг фикридан келиб чиққан ҳолда қонунни қўллаш имкониятини яратади (шу ўринда таъкидлаш лозимки, қонунни қўллашни танлаш имконияти фақат судга тегишли бўлиб, бошқа ҳуқуқий муносабат иштирокчиларида бундай имконият мавжуд эмас). Альтернатив коллизия нормалар оддий ва мураккаб нормаларга бўлинади.

Оддий альтернатив нормалар у ёки бу ҳуқуқни қўллаш имкониятини акс эттиради. Бунда танлаш ҳуқуқи фақат суднинг қаршидан ва ишнинг фактик ҳолатидан келиб чиқади.

Мураккаб альтернатив коллизия нормалар қўлланилаётган коллизия норма ҳажмининг дифференциациясидан келиб чиққан ҳолда асосий ва қўшимча боғланишларни белгилайди.

Асосий боғланиш биринчи навбатда қўлланилади, агар асосий боғланишни қўллашни имконияти бўлмаса қўшимча боғланиш қўлланилади.

Шу ўринда эътироф этиш керакки, асосий ва қўшимча коллизия боғланишлар ўзаро буйсуниш муносабатларида бўлади. Шундан келиб

¹ Попова А. В. Международное частное право. Завтра экзамен. — СПб.: Питер, 2010. –С. 92.

чиққан ҳолда буйсуниш муносабатларининг субсидиар боғланишларнинг миқдоридан ва коллизион норманинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда биринчи, иккинчи, учинчи ва кўплаб даражалари бўлиши мумкин.

Мураккаб альтернатив нормалар коллизион ҳуқуқ доирасида янги кўриниш бўлиб, бу нормалар замонавий халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида коллизион боғланишларнинг “занжир”и деб аталади.

Коллизион боғланишнинг шакли икки хил бўлиб, у бир томонлама ва кўп томонлама коллизион нормаларда ифодаланади¹.

Биртомонлама коллизион боғланишлар мамлакат судининг фақат ўз миллий қонунчилигини қўллаш имкониятида кўринади. Бу нормалар одатда императив характерда бўлади. Биртомонлама коллизион нормаларда доим яқка коллизион боғланиш амал қилади, яъни, масалан “суд жойлашган давлатнинг қонунчилиги томонидан тартибга солинади”.

Икки томонлама нормалар бир вақтда миллий ҳуқуқ, чет эл ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш имкониятида намоён бўлади. Ва айти пайтда бу нормалар императив, альтернатив ва диспозитив характерга эга бўлади. Замонавий ҳуқуқда икки томонлама коллизион нормалар бир томонлама коллизион нормаларга нисбатан кўпроқ амал қилади. “Суд қонуни” деб аталган коллизион қоида “қаттиқ” ҳуқуқ сифатида эътироф этилади. Лекин ҳозирги вақтда аксарият давлатларнинг қонунчилиги “юмшоқ ва эгилувчан” бўлган кўп томонлама коллизион нормалардан фойдаланишни афзал кўрмоқдалар. Чунки айнан икки томонлама коллизион норманинг боғловчи қисми боғланиш шакли деб аталади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро жамоатчиликда мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинishi туфайли халқаро шартномалар, битимлардаги моддий-ҳуқуқий нормаларнинг кўлами унинг ички давлат қонунларида йилдан йилга ортиб бормоқда. Бундай нормаларга нисбатан адабиётларда бевосита нормалар ("прямые нормы"), бевосита тартибга солиш методи ("прямой метод регулирования") деган атамалар ишлатилади. Ушбу

¹ Гетьман-Павлова И.В. Международное частное право. Учебник. - М.: Изд-во Эксмо, 2005. –С.104.

атамалар асосан "коллизия норма", "коллизия метод" деган атамаларга карама-қарши солиштириш мақсадида қўлланилмоқда. Бевосита тадбиқ қилинадиган нормаларнинг аҳамияти жуда ҳам муҳим, чунки улар туфайли халқаро шартномаларда қатнашувчи тарафлар учун ягона қоида ўрнатилади ва тегишли аниқ масалалар бир хил тартибда ҳал қилинади. Лекин коллизия нормаларнинг ролини инкор қилиб бўлмайди. Чунки ҳар бир давлатнинг қонунларида ушбу давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий шароитининг ривожланиш даражаси, жамият тизимида ва уни бошқаришда демократик шакллариининг таркиб топиши, халқнинг урф-одати, менталитети ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа қирралари ўз аксини топади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 17-моддасининг 2-қисмига мувофиқ "Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш ва улардан ажралиб чиқиши мумкин". Ҳар бир давлат ўз манфаатларини кўзлаб халқаро муносабатларда қатнашади, бошқа давлатлар билан турли соҳада алоқалар ўрнатади¹.

Муайян давлат иқтисодиётини, маданиятини бошқа давлатларники билан солиштирилганда айнан ўхшаш бўлмаганидек ва унинг манфаатлари бошқа давлатлар манфаати билан мос келмаганидек, қонунларида ҳам бир хилликни таъминлаш ва буни талаб қилиш мураккаб масалалардан ҳисобланади. Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳам-дўстлик, жамият ривожланишида тенгликка эришиш асосий мақсад қилиб қўйилишидан қатъи назар, ижтимоий ҳаёт соҳасидаги ва унинг маҳсули бўлган қонунчилик соҳасидаги мавжуд тафовутларни мутлақ бартараф қилиш учун вақт керак. Шундай экан, ҳар бир давлатнинг қонун-қоидаларида ўзига хос хусусиятлар ўз ифодасини топади. Улар ўртасида алоқалар ўрнатилар экан уларнинг манфаатлари кўзда тутилган қонун - қоидани инобатга олмасдан бўлмайди. Бундай манфаатларга путур етказмаслик, уларни бир-бирига яқинлаштириш ва умумий манфаатга эришиш мақсадида коллизия нормалар муайян масала

¹ Халқаро хусусий ҳуқуқ // Ҳ.Р. Раҳмонқулов ва бошқ. –Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2002. –Б.98.

бўйича мавжуд бўлган турли давлатлар қонун нормалари ўртасидаги номувофиқликни, тўқнашувни камайтириш ва бартараф қилишда муҳим вазифани бажаради.

2-боб. Халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда моддий-ҳуқуқий нормаларнинг тутган ўрни ва аҳамияти

Савдо, ишлаб чиқариш, фан-техника, транспорт ва турли давлатлар ташкилотлари, компаниялари, фирмалари ўртасидаги алоқаларни тартибга солиш учун бир хил моддий-ҳуқуқий нормаларни яратишга уриниш фақат давлатларнинг ички қонунларида тафовутларни, зиддиятларни бартараф қилиш заруратидан кўра кўпроқ тобора ривожланиб бораётган турли соҳадаги халқаро муносабатларни тартибга солишда давлатлар ички қонунларининг талабга жавоб бермай қўйганлиги билан изоҳланади.

Моддий-ҳуқуқий нормалар ўз моҳияти жиҳатидан мазмуни бўйича бир хил қоидалардан ташкил топади ва халқаро хусусий муносабатлар ни тўғридан-тўғри, яъни ушбу муносабатларни бевосита, коллизия нормаларнинг иштирокисиз тартибга солишни таъминлайди. Моддий-ҳуқуқий нормалар ёрдамида давлатлараро мулкӣ, иқтисодӣ муносабатларни тартибга солишда барқарорлик ўрнатилади, турли давлатлар жисмонӣ ва юридик шахсларининг ҳуқуқӣ мақомини белгилашда, улар томонидан йўл қўйилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг асосларини, доирасини аниқлашда енгиллик туғдиради. Моддий-ҳуқуқий нормаларнинг объектлари мулкӣ, меҳнат ва оилавий муносабатлардан иборат бўлиши мумкин¹.

Моддий-ҳуқуқий нормаларга хос бўлган қоидаларни бирхиллаштириш халқаро шартномаларда назарда тутилган маълум соҳадаги муносабатларни махсус тартибга солиш учун имконият яратади. Бундай бирхилликни таъминлаш учун маълум масалалар бўйича махсус конвенциялар қабул қилинади. Масалан, 1929 йилда Варшавада имзоланган шартнома бўйича Ҳаво орқали халқаро ташишга тааллуқли айрим қоидаларни бирхиллаштиришга доир Конвенция қабул қилинди. Ушбу Конвенцияга 1955 йил 28 сентябрда Гаагада тузилган Протокол билан ўзгартиришлар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан

¹ Халқаро хусусий ҳуқуқ // Ҳ.Р. Раҳмонқулов ва бошқ. –Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2002. –Б.103.

Конвенцияга ва Протоколга қўшилиш ҳақида 1996 йил 27 декабрда қарор қабул қилинди.

Халқаро шартнома, битимлар тузиш ёки уларга ва конвенцияларга қўшилиш шунингдек, уларни ратификация қилиш ҳам турли хил муносабатларга оид қоидаларни маълум даражада бирхиллаштиришга олиб келади. Бу жараёнда Ўзбекистон Республикаси фаол иштирок этмоқда.

Ҳозирги шароитда кўпчилик мамлакатлар бир хил бўлган моддий-ҳуқуқий нормаларни қўллаш доирасини тобора кенгайтириш йўлига ўтиб олганлар. Лекин бирхиллаштириш йўли билан халқаро ижтимоий-иқти содий муносабатларнинг барча масалаларини камраб олишнинг иложи йўқ, унинг муайян чегараси мавжуд. Кўп ҳолларда халқаро шартномалар га асосланган муносабатларда коллизия нормаларни қўллаш самарали натижалар бериши билан бир қаторда ушбу муносабатларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда коллизия нормаларни қўллагаслик нинг иложи ҳам йўқ. Фуқаролар иштирокидаги муносабатларни тартибда солиш умумий қоида бўйича асосан коллизия метод воситасида амалга оширилади. Бундай ҳолларда бирхиллаштирилган коллизия нормалардан фойдаланиш ҳам мумкин, чунки бирхиллаштириш фақат моддий-ҳуқуқий нормалар эмас, балки коллизия нормаларга ҳам хосдир. Фуқаролик, оилавий, жиноят ишлари масалалари бўйича ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисида тузилган шартномалар ва келишувларда ҳам бирхиллаштирилган коллизия нормалар мавжуд.

Коллизия метод асосида тартибга солишнинг зарурияти қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, моддий-ҳуқуқий нормаларни бирхиллаштириш жараёнида қоидасиз, нормасиз очиқ қолган муносабатларни тартибга солиш учун ёрдамчи ёки қўшимча меъёр сифатида фойдаланиш учун, иккинчидан, халқаро ҳамкорликнинг алоҳида соҳаларида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш ва уни амалга оширишда асосий қоида сифатида қўллаш учун, учинчидан, баъзи сабабларга кўра

моддий-ҳуқуқий нормалардан фойдаланиш ва уларни қўллаш учун қийинчиликлар мавжуд бўлганлиги сабабли¹.

Нафақат халқаро шартномалар, шунингдек ички давлат қонун нормалари ҳам моддий-ҳуқуқий характерга эга. Ички давлат қонун нормалари биринчи галда чет эл элементи билан мураккаблашган ва уларни тартибга солиш учун умумий ҳуқуқ нормалари жавоб беролмайдиган муносабатларни тартибга солиш учун қўлланилади. Бу ўринда ички давлат қонуни махсус халқаро хусусий муносабатларни тартибга солиш учун қаратилган ҳоллар назарда тутилмоқда. Масалан, Хитой Халқ Республикасида ва Собик Чехо-Словакияда халқаро хўжалик шартномалари тўғрисида махсус қонун қабул қилинган. Агар Чехо-Словакия қонуни бўйича унинг нормаларини қўллаш коллизия норма ёки тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлса, Хитой Халқ Республикасининг қонунида ушбу давлатнинг ҳуқуқ субъектлари чет эл давлати шахслари иштирокида тузиладиган барча шартнома муносабатларига нисбатан қўлланиши зарурлиги назарда тутилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ манбаи сифатида моддий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг алоҳида соҳаларида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлар Ўзбекистон Республикасида ҳам қабул қилинди. Булар жумласига умумий қоидалар назарда тутилган 2000 йил 26 майда янги таҳрири тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида"ги Қонун кириди. Ушбу Қонун мулкчилик шаклларида қатъи назар, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мол-мулки халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган нормаларига мувофиқ давлат томонидан муҳофаза қилинишини таъминлайди. Ушбу қонун ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишлари деб халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорликни, ташқи савдо фаолиятини, чет эл инвестициялари ни жалб қилиш, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги

¹ Международное частное право. Учебное пособие. / Отв. ред. Н.И. Марышева – М.: Юристъ, 2006. –С. 120.

инвестиция фаолиятини белгилайди. Қонуннинг 2-моддасида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш ички давлат қонунлари билан бир қаторда Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари билан тартибга солиниши назарда тутилади. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш натижасида келиб чиққан низолар шартномада назарда тутилган тартибда ҳал этилади (30-модда).

1995 йил 21 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги Қонунида ҳам банкнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳақида махсус қоидалар назарда тутилади. Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ марказий банкнинг бошқа давлатлар банклари ва кредит муассасалари билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек банклар битимларига мувофиқ амалга оширилади.

Баъзи давлатларда инвестицияга бағишланган махсус Кодекс ёки чет эл инвестициялари ҳақида қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси ҳам бу масалага алоҳида эътибор берган ҳолда 1998 йил 30 апрелда "Чет эл инвестициялари тўғрисида" ва "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида" Қонунларни қабул қилди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига кўшилишига кўмаклашиш мақсадида чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, хорижнинг замонавий технологияси ва бошқарув соҳасидаги тажрибасини жалб этишга ва улардан омиллик билан фойдаланишга қаратилгандир. Ушбу Қонуннинг ўзига хос муҳим аломати шундан иборатки, унинг 15-моддасига мувофиқ чет эл инвестициялари турли, яъни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва табиат хавф-хатарларининг юз беришидан суғурта қилинади, чет эл инвесторларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган кафолатлар назарда тутилади.

1998 йил 25 декабрда қабул қилинган "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунда ҳам чет эл элементларига оид муносабатлар ҳақида

қоидалар назарда тутилади. Қонуннинг 1-моддаси 3-қисмига биноан чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чегаралари фақат Ўзбекистон қонун ҳужжатлари билан эмас, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан ҳам тартибга солинади. Мазкур модданинг 4-қисмига биноан, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Худди шунга ўхшаш қоида "Чет эл инвестициялари тўғрисида" ва "Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида" ги Қонунларнинг 2-моддаларида ҳам назарда тутилади.

Ўзбекистоннинг юқорида келтирилган ташқи иқтисодий фаолият банки, чет эл инвесторлари ва бошқа чет эл билан боғлиқ моддий-ҳуқуқий қонунлари чет эл элементлари билан мураккаблашган муносабатларни тартибга солишга мўлжалланади. Ушбу муносабатлар ички давлат қонунлари, масалан, "Чет эл инвестициялари" ва "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида" ги ва айниқса уларда назарда тутилган ва фақат ушбу муносабатларнинг хусусиятлари махсус ифода этилган инвестицияларни суғурта қилиш ҳақидаги нормалар билан тартибга солиниши мумкин. Лекин бундай тартибга солиш халқаро шартномага мос келиши керак, акс ҳолда бевосита халқаро шартноманинг қоидалари тадбиқ қилинади.¹

Юқорида келтирилган ички давлат қонунлари ва ушбу қонунларнинг объекти ҳисобланувчи муносабатлар бўйича Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари ўз аҳамияти бўйича моддий-ҳуқуқий метод сифатида чет эл элементлари билан мураккаблашган муносабатларни бевосита тартибга солади.

¹ Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи. (2-қисм). Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2009. –Б.813.

Ички давлат қонунлари бундай мураккаблашган муносабатларга нисбатан, агар уларда халқаро шартномалардагиларга нисбатан бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, бевосита қўлланиши мумкин. Бу ерда чет эл элементлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда халқаро шартномаларнинг устунлиги ҳисобга олинади ва унинг тўғридан-тўғри, яъни бевосита қўлланиши назарда тутилади¹.

Чет эл элементлари билан мураккаблашган муносабатларни тартибга солишнинг моддий-ҳуқуқий методининг устунлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

а) ушбу методдан фойдаланиш учун тузилган моддий-ҳуқуқий нормалар ўз мазмунига кўра чет эл элементи билан боғлиқ фуқаролик - ҳуқуқий муносабатларни бевосита тартибга солишга қаратилади. Ушбу метод воситасида махсус муносабатларнинг хусусиятларига мос келадиган ва ушбу муносабатларни тўлиқ қамраб оладиган ва уларга айнан ўхшаш қоидалар ёрдамида тартибга солиш назарда тутилади. Бундай тартибга солишда коллизия методга ўхшаб у ёки бу давлатлар қонунларида мужассам топган қоидаларга ҳавола қилинмайди, масала тўғридан-тўғри моддий-ҳуқуқий норма асосида ҳал қилинади, жуда ҳам кам ҳолатларда фуқаролик, оилавий ва бошқа муносабатларни тўлалигича тартибга солиш учун умумий норма сифатида ташкил топади. Бунга мисол тариқасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўртасида 1993 йилда Минскда қабул қилинган Ўзбекистон томонидан 1993 йил 6 майда ратификация қилинган "Фуқаролик, оилавий, жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида"ги Конвенцияни келтириш мумкин. Ушбу Конвенция муайян давлатлар ўртасида тузилган халқаро шартномадан иборат бўлишига қарамай унда умумий аҳамиятга эга бўлган масалаларнинг тартибга солиниши назарда тутилади. Бошқача қилиб айтганда моддий-ҳуқуқий метод воситасида махсус тартибга солиш, коллизия метод воситасида эса умумий тартибга солиш қоидалари қўлланилади. Масалан,

¹ Гетьман-Павлова И.В. Международное частное право. Учебник. - М.: Изд-во Эксмо, 2005. –С.110.

юқорида келтирилган Ўзбекистоннинг чет эл инвестицияларига бағишланган Қонунларининг нормалари моддий-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, метод сифатида улар ушбу қонун мақсадига тааллуқли бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилгандир. Фуқаролик Кодексининг VI бўлимида назарда тутилган коллизия нормалар умумий метод сифатида Фуқаролик кодексининг моддий-ҳуқуқий нормалари билан нафақат унинг 2-моддасининг 1-қисмида келтирилган муносабатларни ва унда келтирилмаган, лекин ўз хусусиятлари билан уларга монанд муносабатларни Кодекснинг моддий-ҳуқуқий нормалари воситасида тартибга солишга ёрдам беради, муайян муносабатлар бўйича давлатлар қонун нормаларида мавжуд номувофиқликларни бартараф қилишга хизмат қилади.

б) Моддий - ҳуқуқий нормаларнинг афзаллиги яна шундан иборатки, уларнинг асосида бевосита тартибга солиш методини қўллаш муайян муносабатларнинг иштирокчилари учун анча қулай бўлган аниқлик туғдиради, яъни улар ва уларни тадбиқ қилувчи органлар учун қайси нормага асосан масалани ҳал қилиш кераклиги олдиндан маълум бўлади. Масалан, 1993 йил 23 декабрда Ашгабат шаҳрида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар корхоналари ва тармоқларининг ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг умумий шарт-шароитлари ва тартиби тўғрисидаги Битим Ўзбекистон Республикаси томонидан 1994 йил 6 майда ратификация қилинди. Демак, ушбу Битим шартлари ушбу санадан бошлаб Ўзбекистон учун кучга кирди. Ушбу Битимда назарда тутилган шартлар унинг тарафлари ўртасида ўзаро келишилган ва аввалдан маълум. Шундай экан Битим тарафлари ўртасидаги муносабатлар коллизия метод қўлланмасдан бевосита тартибга солиш методи асосида амалга оширилади.

в) Моддий-ҳуқуқий нормаларни тузишда бевосита тартибга солиш методини қўллаш ҳуқуқий тартибга солиш қоидаларини белгилашда, коллизия методдан фарқли ўлароқ, шартноманинг бир томонлама манфаатга қаратилган бўлишидан сақлаб қолади, чунки унинг мазмунини

ташқил қилувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шунингдек унинг тарафларининг муносабатларини тартибга солувчи қоидалар олдиндан келишилган ва белгиланган бўлади. Коллизион метод билан тартибга солишда иккала тарафнинг ҳам манфаатини доимо бир хилда ҳисобга олиб бўлмайди. Коллизион нормалар халқаро шартнома тузиш йўли билан яратилган тақдирда бу масала қисман ҳал бўлиши мумкин, лекин охиригача унинг ечимини топиш қийин, икки ёки кўпчилик давлатларнинг ички қонунларидаги қарама-қаршиликларга дуч келиш тугамайди. Муҳим иқтисодий масалалар бўйича халқаро шартномалар тузиш йўли билан муносабатларни бевосита тартибга солиш методига ўтиш моддий-ҳуқуқий нормаларни бирхиллаштириш учун замин яратади. Шунинг билан бирга халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида моддий-ҳуқуқий нормаларнинг, ва айниқса, бирхиллаштирилган моддий-ҳуқуқий нормаларнинг яратилиши коллизион нормаларни бирхиллаштиришга бўлган эътиборни сусайтириб юбормасликни талаб қилади. Чунки Коллизион нормалар ҳозир ҳам, келажакда ҳам халқаро хўжалик, савдо, транспорт муносабатларини тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

3-боб. Коллизион нормаларни изоҳлаш, шарҳлаш ва тадбиқ

қилиш.

Ҳуқуқий нормаларни тўғри, аниқ ва бир хилда қўлланиш учун уларга изоҳ бериш, шарҳлаш мақсадга мувофиқ. Изоҳ давлат органлари, турли ташкилотлар ва алоҳида фуқаролар томонидан берилиши мумкин. Изоҳ беришдан асосий мақсад ҳаётда юз берган муносабатга қўлланиши зарур бўлган ҳуқуқий нормага расмий ва норасмий, илмий ва амалий равишда баҳо бериш, унинг мазмунини тушуниш, англаб етиш ва масалани тўғри, оқилона ҳал қилишдан иборат.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини изоҳлаш ички давлат қонуни нормаларига нисбатан анча мураккаб. Ички давлат қонуни нормалари аксарият ҳолларда моддий-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, тегишли муносабатларга нисбатан, юқорида айтилиб ўтилганидек, тўғридан-тўғри, яъни бевосита қўлланилади. Халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари коллизион характерга эга бўлганлиги туфайли чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан бевосита эмас, балки билвосита, яъни турли давлатларнинг ҳуқуқ нормалари асосида уларга амал қилинган ҳолда қўлланилади. Бунда бир йўла турли давлатларнинг ҳуқуқ нормаларига, шунингдек уларда бўлган тўқнашувларни бартараф қилиш вазифасини бажарадиган коллизион нормаларга биргаликда изоҳ беришга тўғри келади. Бу анча мушкул ва муҳим масала, унинг тўғри ҳал қилиниши хусусий ҳуқуқ муносабатларида иштирок этувчиларининг субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ¹.

Коллизион нормани изоҳлаш учун унинг таркибини ташкил қилувчи-ҳажми ва боғловчи элементларига ва бошқа барча юридик тушунчалари ва қоидаларига тўғри баҳо бериш керак. Баъзан ички давлат нормаларига турлича тушунча берилади, бу коллизион нормаларга изоҳ беришда қийинчилик туғдиради.

¹ Халқаро хусусий ҳуқуқ // Ҳ.Р. Раҳмонқулов ва бошқ. –Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2002. –Б.106.

Коллизион норманинг тузилиши ўз вазифасига кўра моддий-ҳуқуқий нормалардан фарқ қилади. Ҳар бир коллизион норма икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми коллизион норманинг ҳажми деб аталади. Ушбу қисмида коллизион норма қўлланиши керак бўлган тегишли ҳуқуқий муносабатлар, яъни мулкӣ, номулкӣ шахсий оилавий муносабатлар, шартномага асосланган ёки асосланмаган муносабатлар ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар ҳақида гап юритилади. Коллизион норманинг иккинчи қисми турли равишда коллизион боғловчи қисм деб аталади. Боғловчи - бу муайян муносабатга нисбатан қўлланадиган қонунни (ҳуқуқ тизимини) кўрсатувчи қисмдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида белгиловчи ва боғловчи коллизион нормаларни қуйидаги моддаларда кўриш мумкин: фуқаролар иштирокидаги муносабатларни тартибга солишда жисмоний шахсинг қонуни (1168-м.), жисмоний шахсинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ (1169-м.), юридик шахсинг ҳуқуқ лаёқати (1176-м.), кўчар ва кўчмас мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар (1184-м.), шартнома тузиш жойига нисбатан қўлланади ган ҳуқуқ (1189-м.), ташқи иқтисодий битимга нисбатан қўлланадиган ҳуқуқ (1181-м.), ишончноманинг шакли ва амал қилиш муддатига тааллуқли ҳуқуқ (1182-м.), ворисликка доир қўлланадиган ҳуқуқ (1187-м.) ва ҳоказо¹.

Коллизион нормалар ҳажми бўйича қандай муносабатларга нисбатан қўлланиши кераклиги ҳақида бир хил ёндашиш мавжуд эмас. Европа континенти ҳуқуқи, яъни Роман-герман мамлакатларининг ҳуқуқий тизими бўйича даъво муддати моддий ҳуқуқ институти сифатида баҳоланади. Ўзбекистон Фуқаролик Кодексининг 12-бобида ҳам шунга ўхшаш баҳо берилади. Ушбу давлатларнинг моддий ҳуқуқ нормалари даъво муддати масалалари бўйича коллизион нормаларнинг юзага келиши тан олинади ва коллизион нормага мувофиқ даъво муддатларига нисбатан Ўзбекистон ҳуқуқи ва чет эл мамлақати ҳуқуқи нормаларини қўллашга йўл қўйилади.

¹ Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи. (2-қисм). Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2009. –Б.815.

Аммо Англия-Америка ҳуқуқ тизимларида даъво муддати моддий эмас, балки процессуал институт сифатида баҳоланади. Бундай баҳо бериш натижасида даъво муддати масаласи коллизия норма қўлланидиган доирадан ташқарига чиқазилади ва даъво муддатини ҳал қилиш суд ишини кўраётган мамлакат ихтиёрида бўлиши назарда тутилади. Даъво муддати процессуал ҳуқуқи институти деб қаралар экан, Ўзбекистон судида даъво муддати қўлланиши керакми ёки йўқми деган савол туғилади. ЎЗР Фуқаролик кодексининг 1183-моддасига мувофиқ даъво муддати мамлакатнинг тегишли муносабатни тартибга солиш учун қўлланилаётган ҳуқуқи бўйича белгиланади. Демак, ушбу модда коллизия нормага амал қилади, даъво муддатини белгилашда ЎЗР Фуқаролик кодексининг фақат 12-бобидаги қоидалар эмас, балки бирон-бир, жумладан Англия ҳуқуқи нормалари ҳам қўлланилади. 1966 йилда Англиянинг "Хьюсон, Чэпмен энд Ко Лтд" фирмасининг Собик Иттифоқнинг "Экспортлес" бирлашмасига нисбатан кўзғатилган даъво бўйича ишнинг Чет эл савдо арбитражи комиссияси томонидан кўрилишида Англиянинг қонуни бўйича даъво муддатини қўллаш масаласининг устида тортишув бўлади. Битим Англияда тузилган бўлганлиги туфайли Чет эл савдо арбитражи комиссияси олти йиллик даъво муддатини қўллайди, совет давлати қонуни билан белгиланган уч йиллик муддатни инобатга олмайди. Арбитражнинг қарори даво муддати ўтиб кетгач ҳуқуқни қиёсий изоҳлаш ва уни тиклаш ҳақида талаб қилиб бўлмайди деган умумий тушунчага асосланади.

Муносабат иштирокчисининг, яъни жисмоний шахснинг яшайдиган жой қонунига, юридик шахс органи жойлашган жойнинг қонунига, шартнома тузилган жой қонунига ҳавола қилувчи, яъни кўрсатиш вазифасини бажарадиган боғловчи коллизия нормаларини изоҳлашда ҳам қийинчиликлар туғилади. Бир кўринишда тушуниш учун осон бўлган боғловчи нормалар уларга қандай изоҳ беришга қараб ҳар хил мазмундан иборат бўлган қарор қабул қилишга олиб келиши мумкин. Масалан, Европа китъасининг кўпчилик давлатларида шартноманинг тузилган жойи деб

оферент томонидан акцептни қабул қилиб олган жой тушунилади. Англия ҳуқуқи бўйича "почта қутиси", таълимоти қўлланилади, бунга кўра қаердан акцепт жўнатилган бўлса, ўша жой контракт тузилган жой деб ҳисобланади. Шундай қилиб контракт тузилган жойни белгилаш учун коллизия норма бўлишидан қатъий назар, ушбу жой турли давлатлар қонунларида қандай белгиланишига қараб турли ҳулосаларга келиш мумкин. Бу эса коллизия норманинг боғловчи қондасини танлашда ва қўллашда маълум даражада қийинчиликлар туғдиради.

Қонун бўйича коллизия нормалар бир томонлама ва икки томонлама бўлиши мумкин. Коллизия нормани икки томонлама боғлашда судлов мамлақати ҳуқуқи ва шунингдек чет эл мамлақати ҳуқуқини қўллаш, коллизия нормани бир томонлама боғлашда эса, бир томоннинг ҳуқуқ нормасини қўллаш билан чекланади, амалда кўпроқ судлов мамлақати ҳуқуқини қўллаш юз беради. Коллизия нормани бир томонлама қўлланиш учун Ўз.Р. Фуқаролик кодексининг 1199- моддаси мисол бўлиши мумкин. Ушбу моддага биноан кўчмас мулкка ворислик мазкур мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқи бўйича Ўзбекистон Республикасининг реестрида қайд этилган мол-мулкка ворислик эса Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади. Бу ерда коллизия нормани бир томонлама қўллаш икки ҳолатда рўй бермоқда:

а) кўчмас мулк масалан, ер , қурилмалар, уй-жойлар, кўп йиллик ўсимликлар, дарахтлар ва ер билан узвий боғлиқ, бошқа мулклар қайси давлат ҳудудида жойлашган бўлса, ўша давлатнинг ҳуқуқини қўллаш;

б) мол-мулк кўчар ёки кўчмас бўлишидан қатъи назар, у Ўзбекистонда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса (масалан, дарёда фойдаланадиган катер ва қайиқлар, автомашина, трактор ва ҳ.к.) уларга ворислик Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Коллизия норманинг икки томонлама бўлишига мисол учун ЎзР Фуқаролик кодексининг 1197-моддасини келтириш мумкин. Мазкур моддага биноан мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг

хуқуқини танлаган бўлмаса, мерос тартиби мерос қолдирувчи охирги доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг хуқуқи бўйича белгиланади. Бу ерда мерос қолдириш бўйича икки мамлакат хуқуқини қўллаш мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Коллизион нормалар ҳам моддий-хуқуқий нормалар каби императив (катъий, мажбурий) ёки диспозитив (ҳавола этувчи) нормалардан иборат бўлиши мумкин. Коллизион норманинг диспозитив тарзга эга бўлган қисмини ўзгача қўллаш тўғрисида тарафлар битим бўйича ўзаро келишиб олган бўлишлари мумкин¹. Масалан, ЎзР Фуқаролик кодексининг 1181-моддасида битимнинг шакли бўйича Ўзбекистон Республикаси ёки бирон-бир чет эл давлати қонунларининг тадбиқ этилиши мумкинлиги белгиланади. Агар чет элда тузилган битим бўйича Ўзбекистон Республикаси хуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, унинг шаклига риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас. Демак битимнинг шакли чет мамлакат хуқуқига мос келишига йўл қўйилади.

ЎзР Фуқаролик кодексининг 1190-моддасида назарда тутилган деярлик барча коллизион нормалар диспозитив характерга эга. Масалан, олди-сотди шартномаси, ҳадя шартномаси, ижара шартномаси, пудрат шартномаси ва бошқа қатор шартномалар бўйича қайси мамлакат хуқуқини қўллаш ҳақида тарафлар келишиб олган бўлишлари мумкин. Агар бундай келишув бўлмаган тақдирда шартномалар объектларининг хусусиятлари (масалан, кўчар ёки кўчмас мол-мулк) ҳисобга олган ҳолда у ёки бу давлатнинг қонунини қўллаш назарда тутилади. Лекин ушбу модданинг ўзида икки хил тоифадаги шартномаларга нисбатан тарафлар томонидан хуқуқни танлаш имконияти назарда тутилмаган. Ушбу модда 2-қисмининг 2-банди қуйидаги мазмунда: биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартномага ва қурилиш пудрат шартномасига нисбатан - ана шундай фаолият амалга ошириляётган ёки шартномада назарда тутилган натижалар яратилаётган мамлакатнинг хуқуқи

¹ Международное частное право: Учебник / Отв. ред. Г.К. Дмитриева. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003. –Б. 142.

қўлланилади; 3- банди қуйидаги мазмунда: кимошди савдосида, танлов бўйича ёки биржада тузилган шартномага нисбатан - кимошди савдоси, танлов ўтказилаётган ёки биржа жойлашган мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланиши белгиланади. Фуқаролик кодексининг 1191-моддасига мувофиқ чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади. Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган коллизион нормалар императив (мажбурий) характерга эга.

Ғарб давлатларидаги ҳукмрон таълимот бўйича юридик тушунчаларга изоҳ бериш коллизион нормага асосан у ёки бу давлатнинг қонунини қўллаш ҳақидаги масалани ҳал қилгунга қадар судлов мамлакати қонунига асосан амалга оширилиши керак. Агар коллизион нормага асосан чет эл қонуни қўлланиши назарда тутилган бўлса, изоҳ бериш суд томонидан ҳавола қилинган давлат қонунига асосан амалга оширилиши мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига изоҳ бериш, яъни уларнинг тузилиши (ҳажм ва боғловчи қисмлардан ташкил топиши), ёки бир томонлама ёки икки томонлама, диспозитив ёки императив характерга эканлигини аниқлаш уларни муайян муносабатларга нисбатан тўғри қўллаш учун имконият яратади.

Бошқа давлатлар ҳуқуқ тизимининг ҳуқуқ субъектлари билан ўрнатиладиган муносабатларни тартибга солишда умумий ҳуқуқий тушунчалар муҳим аҳамиятга эга. Коллизион нормалар чет эл ҳуқуқ тизими ва улар таъсирида вужудга келган субъектив ҳуқуқларининг чекланмаган доирада бўлишига қаратилади. Шундай экан ушбу нормалар ўз мазмунига кўра тегишли ҳуқуқ тизимларига нисбатан умумий бўлган атамалар, тушунчалар билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда коллизион нормалар тушунчаси ва атамалари мазмуни жиҳатдан муайян ички давлат ҳуқуқи тушунчалари ва атамаларига ўхшаш бўлмаслиги мумкин. Бизнинг қонуннинг коллизион нормаларида ишлатилган "ашёвий ҳуқуқлар" ёки "фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати" деган тушунчалар мазмуни жиҳатидан

Фуқаролик кодексидаги шунга ўхшаш тушунчалар мазмунига мос келмаслиги мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1184-моддасидаги коллизия нормада берилган "Ашёвий ҳуқуқлар" тушунчаси мазмуни жиҳатидан мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқларни ўз ичига олади. Фуқаролик кодексининг 165-моддасидаги "ашёвий ҳуқуққа" берилган тушунча бўйича эса ушбу ҳуқуқнинг мазмунини мулк ҳуқуқи субъекти бўлмаган шахсларнинг ашёвий ҳуқуқлари, масалан, хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи ташкил қилиши мумкин. Демак, ашёвий ҳуқуқ тушунчасининг, мазмунида, унинг коллизия нормада ёки моддий-ҳуқуқ нормасида келтирилишига қараб фарқи борлиги кўриниб турибди. Шундай экан коллизия норманинг амал қилиш доираси (ҳажми) умумийлаштирилган, яъни турли ҳуқуқ тизимлари учун умумий бўлган юридик тушунчалар билан ифода этилган бўлиши керак. Коллизия боғловчи нормани таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда бошқача ҳолат юз беради: ҳуқуқни қўллаш ҳақидаги тўлиқ қоида аниқ кўрсатилмаса судлов мамлақати қонуни бўйича боғланиш ушбу мамлакатнинг ички (фуқаролик, оила, меҳнат) ҳуқуқининг тегишли институтларида берилган тушунчалардан фойдаланиш йўли билан таъминланади. Коллизия боғловчи норманинг тушунчаси айрим махсус ҳолларда қонуннинг ўзида берилади¹.

Ҳуқуқни қўллашда қарши томонга (обратная отсылка) ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш энг мураккаб масалалардан иборат. Бундай ҳавола этиш чет эл ҳуқуқини қўллашни англатади. Лекин Фуқаролик кодексининг 1161-моддасига мувофиқ ҳавола этиш коллизия нормани қўллаш эмас, балки моддий ҳуқуқ нормасини қўллаш йўли билан амалга оширилади. Агар Ўзбекистон қонуни ҳужжатлари чет эл ҳуқуқига ҳавола этсаю, чет эл ҳуқуқида тегишли муносабат ларни тартибга солиш назарда тутилмаган бўлса, бундай ҳолда Ўзбекистон қонун ҳужжатларини қўлламасликка асос йўқ. Чет эл элементлари билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда чет эл ҳуқуқи Ўз.Р. Фуқаролик

¹ Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик ҳуқуқи. (2-қисм). Дарслик. –Т.: ТДЮИ. 2009. –Б.818.

кодексининг 1168-моддасига, 1169-моддасининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларига, 1171-ва 1174-моддаларига мувофиқ қўлланиладиган ҳолларда қарши томон сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳаволаэтилади. Шунинг ҳисобга олиш керакки, агар чет эл давлати ҳуқуқининг коллизия нормаси Ўзбекистон Республикаси қонун нормасини қўллашга ҳавола қилган бўлса, ушбу давлатнинг суди ёки бошқа тегишли органи Ўзбекистон Республикасининг қонунини қўллайди. Чунки шунга ўхшаш қоида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқининг коллизия нормасида назарда тутилади.

Коллизия нормага эга бўлган деярлик барча ҳуқуқ тизимларида оммавий тартиб тўғрисида изоҳлаш мавжуд. Бундай изоҳлашдан асосий мақсад судлов мамлакатининг (масалан, Ўзбекистоннинг, агар масала, Ўзбекистон судига тааллуқли бўлса) оммавий тартибига тўғри келмайдиган чет эл қонунини тадбиқ қилишни ушбу мамлакат (Ўзбекистоннинг) коллизия нормаси билан чеклаб қўйишдан иборат. Бундай изоҳлаш йўли билан қонуннинг чекланиши олдиндан огоҳлантириб қўйилиши коллизия нормалар воситасида қўллаш учун ҳавола қилинадиган қонунлар доираси ноаниқ эканлиги билан боғлиқ.

ЎЗР Фуқаролик кодексининг 1164-моддасида назарда тутилган қоидага биноан "Чет эл ҳуқуқини қўлланиш Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботи асосларига (оммавий тартибга) зид келадиган ҳолларда чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди". Шунга ўхшаш қоида Ўзбекистоннинг 1963 йилда қабул қилинган Гражданлик кодексининг 621-моддасида ҳам бор эди. Лекин унда, агар чет эл қонунини қўллаш чекланган тақдирда қайси мамлакатнинг қонунини қўллаш мумкин деган саволга жавоб йўқ эди. Бу саволга жавоб ҳам 1164-моддада берилди ва у қуйидаги қоида билан тўлдирилди: "Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади". Демак чет эл қонуни Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган оммавий тартибга, ҳуқуқ-тартибот асосларига зид келган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи қўлланилади.

Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳга 1164 -моддада яна битта муҳим тушунтириш берилди. Шу билан ушбу изоҳни ўринсиз кенг қўлланишини олди олинди. Мазкур модданинг 2-қисмига биноан "Тегишли чет эл давлатнинг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизими Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизимидан фарқланишигина чет эл ҳуқуқи қўлланилишини рад этиш учун асос бўлиши мумкин эмас"¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасига биноан чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар. Чет эл фуқаролари Ўзбекистон фуқаролари фойдаланадиган ҳуқуқ лаёқатига тенг эга бўлганлари каби никоҳ лаёқатига ҳам эгадирлар. Никоҳ тузиш тартиби ва уни расмийлаштириш учун белгиланган шартлар (Оила кодексининг 13-17 - моддалари) чет эл фуқаролари учун ҳам тааллуқлидир. Шунга кўра ана шу моддаларда белгиланган шартлар бузиладиган ва никоҳ тузишга монелик қилувчи (Оила кодексининг 16- моддаси) ҳолатлар бўлса, никоҳни қайд қилишга йўл қўйилмайди. Масалан чет эл фуқаросининг қонуни бўйича унга икки ёки ундан ортиқ хотин олиш (полигамлик никоҳ) ҳуқуқи назарда тутилган бўлсада Ўзбекистон ҳудудида ва Ўзбекистон қонунига мувофиқ унинг иккинчи никоҳи қайд қилинмайди. Демак бундай ҳолларда Ўзбекистон қонуни қўлланилади. Лекин полигамлик никоҳда йўл қўядиган қонунга асосан тузилган бундай никоҳдан туғилган болалар учун Ўзбекистон суди қарори билан алимент ундириш мажбурияти бекор қилинмайди, чунки чет эл қонунига асосан чет элда туғилган болалар учун алимент ундириш қонидаси Ўзбекистон қонунига зид келмайди.

Чет эл ҳуқуқининг Ўзбекистон Республикасида қўлланиши давлатимиз тузилиши, унинг ҳуқуқий-тартиботи асосларига, ўрнатилган оммавий

¹ Халқаро хусусий ҳуқуқ // Ҳ.Р. Раҳмонқулов ва бошқ. –Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2002. –Б.110.

тартибга зид эканлиги ҳолатини эмас, балки, бу асосларга, тартибга чет эл ҳуқуқининг зид келишини ва шунинг учун қўллаб бўлмаслигини англатади.

Оммавий тартиб тушунчаси суд тажрибасида ва кўпгина давлатларнинг таълимотида ўзининг мавҳумлиги билан ажралиб туради. Бунинг устига Ғарб давлатларининг айрим юристлари фикрига кўра оммавий тартиб тушунчасининг аниқ эмаслиги унга хос бўлган ва уни ифодаловчи хусусият ҳисобланади. Оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳдан айрим судлар ўзга давлат ҳуқуқини четлаб ўтиш, баъзан умуман тан олмаслик мақсадида фойдаланадилар. Бундай тажриба ўтмишда ижтимоий-иқтисодий тизими турлича бўлган мамлакатлар ҳуқуқига нисбатан кўп ишлатиларди. Ушбу изоҳни қўллаш доирасини белгилаш кўпгина давлатларда тўлиғича суднинг хоҳишига топширилган эди. Бундай тажрибанинг давом этиши натижасида оммавий тартиб ва уни изоҳлаш тегишли даражада аҳамиятга эга бўлмай қолди.

Бизнинг қонунларимизда, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, баъзи бир ҳолларда чет эл қонунларининг Ўзбекистонда қўлланиши учун чеклашларга йўл қўйилади. Лекин шунга эътибор бериш керакки Ўзбекистон қонунлари билан чет эл давлатлари қонунлари ўртасидаги фарқланишлар оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳни тадбиқ қилиш учун ўз ҳолича асос бўлиши мумкин эмас, чунки ушбу изоҳни барча ҳолларда тадбиқ қилиш Ўзбекистонда чет мамлакатлар ҳуқуқининг қўлланишини умуман инкор қилишга олиб келиши мумкин.

1. Ўзбекистон чет эл мамлакатлари билан иқтисодиёт, фан-техника, маданият ва бошқа соҳаларда алоқалар ўрнатишни изчиллик билан амалга оширмоқда. Чет эл мамлакатлари ҳам Ўзбекистон билан ушбу соҳаларда алоқалар ўрнатиш тарафдори. Алоқалар ўрнатишда ва уни ривожлантиришда тарафлар тенг ҳуқуқлилик тамойилига амал қилмоқдалар. Бундай тенг ҳуқуқлилик давлатларда қабул қилинган қонунларнинг амалда бўлишини ва ўзаро тадбиқ қилинишининг улар томонидан тан олинмишида ҳам ўз аксини топмоқда.

Чет эл қонунлари асосида вужудга келган ҳуқуқлар Ўзбекистонда тан олинади. Бундай ҳолларнинг барчасида ўзаролик муносабати кенг маънода ўрнатилганлиги ҳақида гапириш мумкин. Халқаро хусусий ҳуқуқ таълимоти бўйича ўзаролик деярлик қисқа маънода, яъни маълум режим, тартиб белгиланганлиги (энг қулай ва миллий тартиб) ёки чет эл фуқароларига ва юридик шахсларига қандайдир ҳуқуқлар берилганлиги маъносида ҳам тушунилади.

Ўзароликнинг асосий моҳияти шундан иборатки, Ўзбекистонда чет давлат фуқаролари ва юридик шахсларига берилган маълум ҳуқуқлар Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахслари учун ушбу чет эл давлатида ҳам шунга ўхшаш ҳуқуқлардан фойдаланиш шарти билан берилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда ўзаролик икки, яъни моддий (материальный) ва расмий (формал) кўринишларда аён бўлади. Ўзаролик моддий ҳуқуқда Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахсларига чет элда берилган ва улар фойдаланмоқда бўлган маълум ҳуқуқлар ва ваколатлари ушбу чет эл фуқаролари ва юридик шахсларига Ўзбекистонда ҳам берилиши тушунилади. Ўзароликнинг расмий ҳуқуқда чет эл фуқаролари ва юридик шахсларига муайян давлатнинг маҳаллий қонунларида назарда тутилган ҳуқуқ ва ваколатлар берилиши, яъни уларнинг маҳаллий фуқаро ва юридик шахсларининг ҳуқуқий ҳолатига тенглаштириш тушунилади.

Ўзароликнинг расмий тартибда қўлланишига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасида назарда тутилган қонун мисол қилиб олиш мумкин. Ушбу қоидага биноан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган ҳуқуқларга эга ва бурчларни адо этадилар.

Ўзароликда чеклашларга ҳам йўл қўйилади. Масалан, чет эл фуқаролари ўз давлатларида эга бўлган ҳуқуқларидан агар Ўзбекистон қонун ҳужжатларида тегишли ҳуқуқлар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида фойдаланиш учун талаб қила олмайдилар.

Ўзбекистоннинг чет давлатлар билан муносабатларида чет эл фуқаролари ва юридик шахсларига ҳуқуқий тизимнинг бир хил эмаслигини инобатга олиб, ҳуқуқни ўзаролик асосида қўллаш халқаро шартномаларда фақат миллий тартиб ва энг қулай муҳит яратиш мақсадида амалга оширилади.

Ҳуқуқни қўллашнинг ўзаролик моддий кўринишини асосан давлатлар ўртасида тузилган шартномаларда учратамиз. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Германия Федератив Республикаси билан инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида, Россия Федерацияси билан икки томонлама қўллаб-қувватлаш ва солиқдан озод қилиш тўғрисида, Франция билан эркин ҳаракат тўғрисида, АҚШ билан савдо муносабатлари тўғрисида, Эрон Ислом Республикаси билан халқаро автомобил ҳаракати тўғрисидаги битимларда ва бошқа масалалар бўйича давлатлараро тузилган шартномаларда ҳуқуқни ўзаролик моддий кўриниши асосида қўллашга амал қилинган.

2. Ҳуқуқни қўллашда ўзаролик билан бир қаторда, ўзаро жавоб тариқасида чеклашлар (реторсия)га ҳам йўл қўйилади. Агар бир давлат бошқа бир давлат ёки унинг фуқароларини ноҳақ камситиш йўли билан унга зарар етказиш учун қандайдур чора-тадбир қўллаган бўлса, бошқа давлат ҳам унга нисбатан шунга ўхшаш чекловлар, яъни чора-тадбирни жавоб тариқасида қўллаши мумкин. Бундай чора-тадбирни қўллашдан асосий мақсад биринчи давлат томонидан қўлланган чекловнинг бекор қилинишига эришишдан иборат.

Агар бизнинг давлатимизга, фуқароларимизга ёки юридик шахсларимизга нисбатан бошқа бир давлат томонидан камситиш тартибида қандайдир чекловлар жорий қилинган бўлса, Ўзбекистон ҳам ушбу давлат фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан жавоб тариқасида чеклов характерида эга бўлган чора жорий қилиши мумкин. ЎзР Фуқаролик кодексида умумий қоидага мувофиқ чет эл фуқаролари ва юридик шахслари Ўзбекистон фуқаролари ва юридик шахслари каби ҳуқуқ лаёқатига эгадирлар. Шунинг билан бирга Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз

фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ЎзР Фуқаролик кодексининг 1167-моддасида қуйидаги қоида қўйилган: "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқларига махсус чекловлар қўйган давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига жавоб тариқасида чекловлар (реторсиялар) белгилаши мумкин".

Халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан чеклов чоралари (реторсия)ни жавоб тариқасида маълум давлат (давлат органлари, фуқаролари, юридик шахслари)га нисбатан қўллаш камситмаслик тамойилининг бузилиши сифатида қаралмайди, яъни камситиш деб ҳисобланмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йил 6 май куни ратификация қилинган 1961 йилги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена Конвенциясига биноан "чет давлати вакиллигини аккредитация қилувчи давлат томонидан мазкур Конвенциянинг чеклов қоидаларининг қўлланиши" камситиш деб ҳисобланмайди. Ана шундай қоидалар Ўзбекистон Республикасининг "Божхона божи тўғрисида" ва "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги қонунларида ҳам назарда тутилади.

Хулоса

Ўзбекистон Республикаси билан яқиндан амалий алоқа ўрнатмоқчи бўлган давлатлар ва юридик шахсларнинг сони йилдан йилга тобора ошиб бормоқда, Ўзбекистон ҳудудига ташриф буюрувчи жисмоний шахсларнинг сони ҳам борган сари кўпаймоқда. Халқаро алоқаларнинг кенгайиши натижасида суд, арбитраж, нотариат, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи ва бошқа давлат органлари ўз фаолиятларида халқаро хусусий ҳуқуқнинг мураккаб муаммоларига дуч келмоқдалар, коллизион нормалар ва уларни қўллаш билан боғлиқ қоидалар шундай мураккаб ва муҳим муаммолардан ҳисобланади.

Тадқиқот давомида халқаро хусусий ҳуқуқда коллизион нормаларни ўрганар эканмиз, қуйидаги хулоса ва фикрларга эга бўлдик:

- халқаро хусусий ҳуқуқ доирасидаги коллизион нормаларни шарҳлаш ва қўллаш масаласини таҳлил этсак, шуни айтиб ўтиш керакки, коллизион нормаларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

қонун чиқарувчининг иродасини изҳор этиш (ёки билдириш) усули бўйича императив ва диспозитив.

Бошқа фуқаролик-ҳуқуқий нормалар каби коллизион нормалар ҳам ёки императив (мажбурий) ёки диспозитив характерга эга бўлади. Сўнгги ҳолда тарафлар улар ўртасидаги муносабатларга нисбатан бошқа принципдаги ҳуқуқ қўлланиши тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

Савдо-сотиқ шартномаси, мулк ижараси, лицензия шартномаси, сақлаш, комиссия, топшириқ, юк ва йўловчилар ташиш, транспорт экспедицияси, суғурта, кредит шартномалари, ҳадя шартномаси, қафолат шартномаси, гаров шартномаси ва ҳоказо каби ташқи иқтисодий битимлар борасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига нисбатан қўлланувчи барча коллизион нормалар диспозитив характерга эгадир.

Императив коллизион нормаларга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1191-моддасини келтириш мумкин:

«Чет эл иштирокидаги юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилади».

Боғланишлар сонига кўра бир хил маъноли ва муқобил (кумулятив) нормалар. Кўп ҳолларда коллизия нормалар битта боғланишга эга. Аммо гоҳида уларда икки ёки ундан ортиқ боғланишлар бўлиб, улар бошқа мамлакатлар ҳуқуқига ҳавола қилади ва альтернатив ёки ккумулятив бўлишлари мумкин. Биринчи қарашда бундай мураккаб ҳуқуқий ечим қулайроқ ва адолатлироқ тартибга солиш тизимини вужудга келтиради, бу эса ўз ўрнида ваколат олувчи шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиб, унинг учун афзал бўлган мамлакат ҳуқуқига таяниш имкониятини беради.

Альтернатив боғланишлар кўп мамлакатлар ҳуқуқи томонидан деликт мажбуриятларга нисбатан қўлланилади, деликт мажбуриятлар эса, ўз ўрнида, жабрланувчи ихтиёрига кўра зарар етказилган жой ҳуқуқига ёки ҳуқуқбузарлик содир этилган жой ҳуқуқига бўйсунди¹. АҚШ таълимотида бу ҳолларда тўртта боғланишдан фойдаланиш тавсия этилади: юқорида кўрсатилган иккита боғланишдан ташқари тарафларнинг манзили (миллати) ва тарафлар ўртасидаги муносабатлардаги оғирлик марказининг жойи, яъни бу муносабатлар кўпроқ содир бўладиган ҳудуд².

Бизнинг қонунчилигимизда бундай альтернатив боғланишлар қўлланилмайди, аммо ккумулятив характердаги боғланишлар мавжуд. Бундай ҳолларда ечилаётган масалани икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳуқуқига ҳавола этишга йўл қўйилади. Аммо бунда ҳавола этиш техникаси — ўзгача. Ккумулятив боғланишлар ҳам манфаатдор тарафларни янада тўлиқ ҳуқуқий муҳофаза билан таъминлашга қаратилган, шунинг учун улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади. Ккумулятив боғланишларга мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1181-моддасини келтириш мумкин: «Битимнинг шакли у тузилаётган жой ҳуқуқига бўйсунди. Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси

¹ Венгрия Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонунининг 32-параграфи, Швейцария Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги Қонунининг 133-параграфи).

² АҚШ Халқаро хусусий ҳуқуқ мажмуасининг 145-параграфи.

хуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас»¹;

- Айрим ҳолларда амалда ташқи иқтисодий шартнома имзолаётганлар қайси мамлакат ҳуқуқини қўллаш кераклигини аниқлаб олмайдилар. Бундай ҳолларда ҳар бир тараф ўз мамлақати ҳуқуқини танлашга ҳаракат қилади, чунки улар мамлакатларида амалда бўлган ўз қонунчилик мазмунини яхшироқ биладилар. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини қўллаш ҳақида келишиб олинмаган тақдирда, ҳеч бўлмаганда бошқа тарафга бошқа бир мамлакат қонунчилигини танлаш таклиф этилади, бундай ҳолларда иложи борича Ўзбекистон қонунчилигига яқинроқ бўлган мамлакат қонунчилигини танлаш таклиф этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. III жилд. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998.339 б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон. 1995.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон. 1997. Т.5.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997 йил.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон. 1998.
5. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкуриси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. -Т.: ИИВ Академияси., 1999.
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон. 2000. Т.8.
7. Каримов И.А. «Адолат - қонун устиворлигида». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясиги маърузаси, Халқ сўзи., 2001 йил 30 август.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. –Т.: Ўзбекистон. 2002. Т.10.
9. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон. 2003. Т.11.
10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. -Т.: Ўзбекистон. 2005.
11. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари – олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. -Т.: Ўзбекистон. 2005.

12. Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устивор вазифамиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Ўзбекистон овози”, 2006 й. 8 декабрь. 145 (27.636)-сони.
13. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2007 й. 13 февраль. № 31 (4184).
14. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маъруза. 2007 йил 30 август. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
15. Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси VI қурултойидаги маъруза. 2007 йил 6 ноябрь. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
16. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент.: Маънавият, 2008.
17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009.
20. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 27 январ.
21. Каримов И.А. Асосий вазифамиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг ялпи яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январ.
22. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
23. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзи, “Ўзбекистон овози” газетаси, 2010 йил 1- сентябрь.
24. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир”, “Ишонч” газетаси, 2010 йил 8 декабарь.
25. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”, “Халқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.
26. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 07.12.2011 й.

27. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

28. Каримов И.А. “2012 йил ватанзимиз тараққийетини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2011.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат. 2012.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. –Т.: Адолат. 2011.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Т., «Адолат». 1993 йил 7 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 2-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни. 2000 йил 14 декабрь.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни. 2000 йил 26 май.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 7-модда. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 10-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда).
9. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 5-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 91-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,
2006 йил, 10.10. ЎРҚ-59, №-;).

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари. Т., «Адолат».

Махсус адабиётлар.

1. Богуславский М.М. Международное частное право: Учебник. 6-е изд. – М.: 2004.
2. Гетьман-Павлова И.В. Международное частное право. Учебник. - М.: Изд-во Эксмо, 2005.
3. Лунц Л.А. Курс международного частного права: В 3 т. –М.: Спарк, 2002.
4. Международное частное право. Учебное пособие. Издание 2-е. Переработанное, дополненное. Алматы: Ғылым, 1998.
5. Международное частное право: Учебник / Отв. ред. Г.К. Дмитриева. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2003.
6. Международное частное право. Учебное пособие. / Отв. ред. Н.И. Марышева – М.: Юристъ, 2006.
7. Муаллифлар жамоаси. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. (2- қисм) –Т.: ТДЮИ. 2009.
8. Попова А. В. Международное частное право. Завтра экзамен. — СПб.: Питер, 2010.
9. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Т.: 1997.
10. Федосеева Г.Ю. Международное частное право. Учебник. –М.: Эксмо, 2005.
11. Халқаро хусусий ҳуқуқ // Ҳ.Р. Раҳмонкулов ва бошқ. –Т.: Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 2002.
12. Шак Х. Международное гражданское процессуальное право: Учебник /Пер. с нем. –М.: 2001.

13. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳлар. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
14. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. III жилд. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998.
15. Юридическая энциклопедия. Под. ред. М.Ю.Тихомирова. –М.: 1997.

Интернет маълумотлари:

1. “NORMA” Ахборот ҳуқуқий тизими. <http://www.norma.uz>.
2. [www. google. co.uz](http://www.google.co.uz).
3. www.kua.uz